ЯНГИ – 2021 ЙИЛ ҚУТЛИ, БАРАКАЛИ БЎЛСИН!

ЖАРҚЎРҒОН

2020 йил
23 декабр,
чоршанба
28-29-сон
(8774)

1932 йил майдан чиқа бошлаган • Ижтимоий-сиёсий газета • WWW.JN-GAZETA.UZ

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Сессия

ЙИА ЯКУНААРИ ВА ЯНГИ ЙИА РЕЖААРИ

2020 йил 15 декабр куни Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашининг йигирма биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибидаги асосий масала-

-Жарқўрғон тумани ҳокими Ўрақов Баҳодир Абдуқаюм ўғлининг Жарқўрғон туманида 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2021 йилга мўлжалланган режалар ва туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича «Халққа мурожаати» тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу мавзуда туман ҳокими Б.Ўрақовнинг «Халққа Мурожаати» ўқиб эшиттирилди ҳамда сессиянинг тегишли қарорлари қабул қилинди (қуйида мазкур Мурожаатнинг тўлиқ матни берилмоқда).

ТАЪАИМ ФИДОЙИСИГА ЭҲТИРОМ

Бугун туманда 67 та умумтаълим мактабларида минглаб ёшлар таълим олмоқдалар. Ушбу таълим даргоҳлари орасида 19-сонли мактабнинг ўрни алоҳида. Нега дейсизми, жорий ўқув йилида 20 нафардан иборат 11-синф битирувчиларининг барчаси олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиндилар. Эришилган мазкур муваффақиятнинг замирида эса жонкуяр устозларнинг машаққатли меҳнати мужассам. Мактаб директори Зарифа опа Чориева ҳам чин маънода фидойи устозлардан. Куни кеча "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирлангани эса муносиб эътироф ва халқ таълими жонкуярига юксак эҳтиромдир. Мукофот муборак бўлсин, Зарифа опа!

ЯНГИ ЙИА ТИААГИ

Яратганга минг бор шукр, шу кунларга етдик,
Тўлдирар дилларни бугун бир эзгу маҳваш.
Учинчи Ренессанс даври билан бу битик,
«Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш!»

Инсонни ўтказмоқ вақти ҳам келди тўрга,
Давлат бўлди элга энди суянч, елкадош.
Шавкатингдан тошиб кетар кўнглим ғурурга,
«Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш!».

Юртим, буюксан, қўлинг кўкларга етаверсин,
Бўлмасин оламда сенга ҳеч ҳам ёвқараш.
Янги йилларингга туташиб кетаверсин,
«Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш!»

Рўзи МИРЗО.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДА 2020 ЙИАДА АМААГА ОШИРИАГАН ИСАОҲОТААР ЮЗАСИДАН ТУМАН ҲОКИМИ ЎРАҚОВ БАҲОДИР АБДУҚАЮМ ЎҒАИНИНГ МУРОЖААТИ

Сўзим бошида шуни айтиб ўтишим керакки, якунланиб бораётган 2020 йил бутун дунё бўйлаб барча соҳалар бўйича оғир ва синовли йил бўлди. Жорий йилда барча ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ривожланиш даражаси нафақат юртимиз бўйлаб, балки бутун дунёда жуда катта тўсиққа учради.

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан юртбошимиз томонидан кўрилган тезкор чоралар ҳамда инқирозга қарши курашиш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш ҳисобига, туманимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилишига эришилди. Бу эса ижтимоий соҳаларни ривожланишига макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига сабаб бўлди.

Мисол учун, Саноат соҳасида ўтган **2019** йилнинг январ-октябр ойларида ишлаб чиқариш ҳажми **552,4** млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг мос даврида бу кўрсаткич **616,2** млрд сўмни ташкил этиб, **108** фоизга бажарилишига эришилди. Жорий йил якуни билан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **941** млрд. сўмга (**100,6%**), аҳоли жон бошига нисбати **4** млн **257** минг сўмга етказиш кутилмоқда (2019 йилда 3 млн. 875 минг сўм). Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг вилоятдаги улуши **18** фоизни ташкил қилиб, вилоятда иккинчи ўринда туради (2019 йилда бу кўрсаткич 21 фоизни ташкил қилган).

2021 йилда қиймати **42,3** млрд. сўмлик **7** та янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига саноат маҳсулотларимиз ҳажмини **983,3** млрд. сўмга ўсиш суръатини **104,5** фоизга етказишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, хизматлар соҳаси январ-октябр ойларида **189,3** млрд. сўмга **101,0** фоизга бажарилди. Туман хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича вилоятда олтинчи ўринни эгаллаб, **2020** йил якуни билан хизматлар ҳажми **316,7** млрд. сўмга(**102,4**%) бажарилиши кутилмоқда.

Хизматлар ҳажмининг вилоятдаги улуши **3,4** фоизни ташкил қилади, бу эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда **1** млн **433** минг сўмга тўғри келади.

Туманда жами рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони **2076** тани ташкил этиб, жумладан, қишлоқ хўжалиги **315** та, саноат **258** та, савдо **625** та, ташиш ва сақлаш хизмати **78** та, меҳмонхона ва умумий овқатланиш **129** та, алоқа ва ахборотлаштириш **21** та, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат **21** та, бошқа хизматлар **629** тани ташкил этади.

Шунингдек, бугунги кунда **92** та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмасдан келмоқда. Шундан **17** таси қишлоқ хўжалиги, **22** таси саноат, **9** таси қурилиш, **26** таси савдо, **1** таси ташиш ва сақлаш, **5** таси меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда **15** таси бошқа хизматлар соҳаларига тўғри келади. Жорий йилнинг **1** декабр ҳолатига **20** та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди, қолган **72** та тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тиклаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Чакана савдо айланма ҳажми жорий йилнинг **9** ойлигида **444,9** млрд. сўмга бажарилиб, **85** фоизни ташкил қилган. Вилоятдаги улуши **5,2** фоизни, аҳоли жон бошига **2** млн. **33** минг сўмдан тўғри келади. Йил якуни билан чакана савдо айланма ҳажмини **592,2** млрд. сўмга бажариб, **101,1** фоизга ўсишга эришамиз.

2020 йилда янгидан рўйхатга олинган корхоналар сони **596** та бўлиб, шундан, **593** таси кичик бизнес субъектларидир.

207 таси қишлоқ хўжалиги, **71** таси саноат, **26** таси қурилиш, **183** таси савдо, **7** таси ташиш ва сақлаш, **15** таси меҳмонхона ва умумий овқатланиш, **6** таси алоқа ва ахборотлаштириш, **1** таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга ҳамда **77** таси бошқа хизматлар соҳаларига тўғри келади.

2021 йилда кичик бизнес субъектларини янгидан ташкил этиш ҳамда янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига чакана савдо айланма ҳажмини **639,5** млрд. сўмга, ўсиш суръатини **108,0** фоизга етказишни режалаштирганмиз.

Қурилиш ва пудрат ишлари ҳажми жорий йилнинг **9** ойлигида **183,3** млрд. сўмга бажарилиб, **100,3** фоизга ўсишига эришилди. Йил якуни билан қурилиш ва пудрат ишлари ҳажмини **272,2** млрд. сўмга бажариб, вилоятдаги улуши **5,8** фоизга, аҳоли жон бошига **1** млн. **231** минг сўмга етишига эришамиз. Жарқўрғон тумани қурилиш ва пудрат ишлари бўйича вилоятда **5** ўринда туради.

2021 йилда эса қурилиши режалаштирилган **6** та кўп қаватли уй-жойлар ҳамда янги лойиҳаларни қурилишини ишга тушириш ҳисобига қурилиш ва пудрат ишлари ҳажмини **301,9** млрд. сўмга бажариб, ўсиш даражасини **110,9** фоизга етказишни режалаштирганмиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг **9** ойлигида **1** трлн **234,7** млрд сўмга бажарилиб, **107,6** фоизга ўсишга эришилди. Йил якуни билан **2** трлн. **14,8** млрд. сўмга бажариб, ўсиш суръатини **106,6** фоизга етишини таъминлаймиз. Вилоятдаги улушимиз **8,9** фоизни ташкил қилади.

2021 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этиладиган **85** та йирик янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш ҳажмини **2** трлн. **180 млрд.** сўмга, ўсиш суръатини **108,2** фоизга етказишни режалаштирганмиз.

Якунланиб бораётган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ўзига хос марраларга эришилди. Жумладан, ғаллачилик бўйича жорий йилда **2020** йил ҳосили учун **153 та** фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан **8 минг 180 гектар** майдонга бошоқли дон ва **7 минг 65 гектарга** ғўза (пахта) экинлари экилиб парвариш қилинди, давлатга бошоқли дон сотиш режаси **114,1** фоизга бажарилиб 27 минг 638 тонна ўртача **72,2** центнер дон ва пахтадан **114** фоиз **27** минг 348,5 тонна ўртача 38,7 центнер пахта ҳосили олиниб давлатга топширилди.

Туманда бундан уч йил олдин ўртача бор-йўғи **160-180** тонна пилла етиштирилган бўлса, жорий йилда озуқа базасини кўпайтириш, янги тутзорлар ташкил этиш ҳисобидан **210 тонна** пилла хом ашёси етиштирилди.

2020 йил **50** нафар фуқаролар "Жарқўрғон Агропилла" МЧЖга ажратилган ер майдонларига бириктирилиб доимий иш билан таъминланиб, пилла боқиш мавсумида **163** та ишсиз фуқаролар мавсумий иш билан ва мавсум давомида уй шароитида 1 қути ипак қурти боққан **2882** та (касаначилар) **1** йиллик иш стажига эга бўлдилар.

Эзгу ишларнинг давомийлиги сифатида 2021 йилда ҳам бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш ғалла етиштириш ҳажмини **55** минг **62** тонна ялпи ҳосил ҳамда пиллачиликда **4085** қути пилла боқиш ҳисобига **225** тонна пилла етиштириш режалаштирилган.

Деҳқон-хўжаликлари ва аҳоли томорқа эгалари сони **48674 та** улардаги жами экин ер майдони **4300 гектарни** ташкил қилади.

Жорий йилда аҳоли томорқаларида **2851** гектар эртачи экинлар, **3164** гектар такрорий (ўртаки) ҳамда **2021** йил ҳосили учун тўқсонбости усулида **2540** гектар **6** турдаги сабзавотлар экилган.

Хусусан, аҳоли томорқаларида эртачи экинлардан **61932** тонна ва такрорий сифатида экилган ўртачи экинлардан **48871** тонна сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлардан жами **8531** тонна ҳосил етиштирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг шу даврига қадар аҳоли томорқаларида **162** та енгил конструкцияли **2,6** гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилган.

Жорий йилда фермерлар кенгаши жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун **180** млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида 23 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

2021 йилда **341** та аҳоли хонадонларида **3475** та асалари оилаларини боқиш ва **621** та аҳоли хонадонларида **82,4** гектар ер майдонларида **247,2** тонна балиқ етиштириш ҳамда "Бир маҳалла-бир маҳсулот" тамойили асосида тумандаги "Порлоқ юлдузи" маҳалласида **31** та аҳоли хонадонларида **2-3** сотихли иссиқхоналар қуриш режалаштирилган.

Чорвачилик соҳасида

Бугунги кунда жами чорвачилик йўналишида **38** та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан

қорамолчилик хўжаликлари **23** та,
қўйчилик ва эчкичилик хўжаликлари **15** та,
бундан ташқари
Паррандачилик комплекси **1** та,
Балиқчилик хўжаликлари **26** та,
Асаларичилик хўжаликлари **2** та бўлиб, барчаси фаолият юритмоқда.

Туманда бугунги кунда барча тоифада **66** минг **627** бош қорамол ёки ўтган йилга нисбатан **466** бошга (**100,7** фоизга), шу жумладан сигирлар **26** минг **410** бош, ёки ўтган йилга нисбатан **47** бошга (**100,1** фоизга) майда шохли моллар **251,3** минг бошни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан **716** бошга (**100,3** фоизга), паррандалар бош сони **549,1** минг бош бўлиб, ўтган йилга нисбатан **104,2** минг бошга (**118** фоизга) кўпайган.

Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш **7** минг **749** тонна гўшт ишлаб чиқарилди ёки ўтган йилга нисбатан **78** тонна (**101** фоизга), **44** минг **197** тонна сут, ўтган йилга нисбатан **949** тоннага кўп (**102,2** фоизга), **30** млн. **851,9** минг дона тухум, ўтган йилга нисбатан **18** млн. **937** минг донага (**258,9** фоизга) кўп ишлаб чиқарилди.

Туманда **2020** йилда барча тоифа хўжаликлари қарамоғидаги жами **26** минг **410** бош сигир ва қочириш ёшидагиларни сунъий уруғлантириш режалаштирилган. Жорий йилнинг бугунги кун ҳолатига **19** минг **807** бош сигир (**75** фоиз) сунъий уруғлантирилди.

2020-2021 йилги чорвачилик лойиҳалари бўйича.

2020 йилда чорвачилик бўйича **6** та лойиҳа қабул қилинган бўлиб, унда янгидан **98** та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати **74,5** млрд. сўм, шундан **49,1** млрд сўмини банк кредити ташкил қилиши белгиланган бўлиб, амалда ушбу лойиҳалардан **3** таси **2020** йилда амалга оширилиб, **12** та иш ўринлари яратилди. Қолган **3** та чорвачилик лойиҳаси эса **2021** йилги инвестицион дастурга ўтказилди.

Паррандачилик йўналишида **2** та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, қиймати **5,3** млрд. сўмни ташкил қилади.

Давоми 2-3-бетларда

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ЯНГИ БИНОДА

15 декабр куни Жарқўрғон туман Давлат хизматлари марказининг янги биноси очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Б.Ўрақов, сенатор О.Соатов, вилоят Халқ қабулхонаси раҳбари А.Эшмуродов, Ёшлар агентлиги вилоят бошқармаси раҳбари Ш.Олимовлар, вилоят Адлия бошқармаси вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этишди.

Замонавий, ҳар томонлама қулайликларга эга ушбу марказ эндиликда туман аҳолисига кенг кўламли давлат хизматлари кўрсатишга шай.

Б.ЖУМАЕВ.

ДОИМИЙ КУН ТАРТИБИДА: САҲОВАТ ВА КЎМАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус" пандемияси глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони ижроси юзасидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

Шу кунга қадар **"Саҳоват ва кўмак"** жамғармасига жами 1 млрд. 268,6 млн. сўм маблағ келиб тушди. Ушбу маблағларнинг 107,5 млн. сўм ҳомийлар маблағларидан, 778,3 млн. сўм "Саҳоват ва кўмак" жамғармасидан сарфланган.

Жумладан:

-177,6 млн. сўм озиқ-овқат маҳсулотлари;

-20,6 млн. сўм моддий ёрдам;

-115,9 млн. сўм бошқа харажатлар (20 та майда ва йирик шохли чорва моллари, 735 бош парранда ва ҳаказо) ва бошқа молиявий харажатлар;

-36,0 млн. сўм ногиронларнинг уй-жой кредит қарздорлигига;

-20,0 млн. сўм ногиронларнинг уй-жойи бузилганлиги учун;

-258,2 млн. сўмлик Сирдарё вилоятига 13 та хонадонга йирик шохли қорамол ва маиший жиҳозлар берилди.

-150,0 млн. сўм вилоят жамғармасига ўтказиб берилган.

Ҳозирги кунда ҳисоб-рақамидаги қолдиқ 490,3 млн. сўмни ташкил қилади. Шундан; депозитда 357,0 млн. сўм.

"Саҳоват ва кўмак" жамғармаси орқали август-сентябр ойларида 974,9 млн. сўм, октябр-декабр ойларида 1229,8 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган. Ҳайрия ва камбағал оилаларни қисқартириш тадбирлари давом этмоқда.

Жарқўрғон туман ҳокимлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДА 2020 ЙИАДА АМААГА ОШИРИАГАН ИСАОҲОТААР ЮЗАСИДАН ТУМАН ҲОКИМИ ЎРАҚОВ БАҲОДИР АБДУҚАЮМ ЎҒАИНИНГ МУРОЖААТИ

Боши 1-бетда.

Шундан **1,5** млрд. сўмини банк кредити ташкил қилади ва янгидан **18** та иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Бугунги кунда **2** та лойиҳа амалга оширилиб, **110** минг **600** бош парранда ташкил қилинди. Ушбу лойиҳага **1,5** млрд. сўм банк кредити ажратилиб, янгидан 18 та иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда **1** та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳага **350** млн. сўм банк кредити ажратилиб, янгидан **3** та иш ўринлари яратилди.

2021 йил туманда жами **21** та янги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати **89,7** млрд. сўмни ташкил этиб, банк кредити **24,7** млрд. сўм ҳамда **3** млн. **500** АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали **181** та янги иш ўринлари яратилади ва **4700** бош чорва моллари олиб келинади.

Сув тизимларини яхшилаш бўйича

Жарқўрғон туманида 2020 йилда **849,6** гектар ер майдонларида сув тежамкор технологиялар жорий этиш режалаштирилган бўлиб, шундан амалда **635,0** га боғ томчилатиб суғориш, **214,6** га эгилувчан қувурлар орқали суғориш, жами **849,6** гектар майдонларга жорий қилинди.

2021 йилда **2660** гектар майдонда сув тежамкор технологиялар жорий этиш режалаштирилди, шундан пахта **1000** га, боғ **975** га, ток **60** га, доривор ўсимликлар **10** га, анор **65** га, дискрет усул суғориш **310** га пахта, кўчма эгилувчан қувур усулида суғориш **240** га пахта, **1068** га ер майдонларини лазер ёрдамида текислаш технологияларини жорий қилиш режалаштирилди.

Туманда 2020 йилда **401** гектар ер майдонлари қайта фойдаланиш учун киритилиб, "Термизмахсуссувпудрат" МЧЖ томонидан жами **2,51** км суғориш тармоқларини таъмирлаш тиклаш ишлари амалга оширилиб, **100**% қурилиш ишлари бажарилди ва **8** дона гидротехник иншоот ўрнатилди ва Республика бюджетидан **2,5** млрд. сўм пул маблағлари ажратиб берилди.

Ушбу майдонлар фермер хўжаликларига бириктирилиб, ўзларининг таклифига асосан **111,0** гектар сабзавот, **165** гектар полиз, **13** гектар дуккакли ва **112** гектар озуқабоп экинлар экилди.

Туманда 2021 йилда фойдаланишдан чиқиб кетган **1500** гектар ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун жами **13** млрд **871** млн. сўм пул маблағлари талаб этилади.

Фойдаланишга киритиладиган **1500** гектар ер майдонларига **833** гектар боғ, **457,6** гектар ток ва **200** гектар анорзорлар барпо этиш режалаштирилган.

Экспорт бўйича

Туманда фаолият юритиб келаётган **18** та экспортёр корхоналарнинг **2020** йил даври учун жами **45,7** млн. АҚШ долларга тенг бўлган экспорт режа графиги ишлаб чиқилган. Январ-ноябр ойи учун **41,9** млн. АҚШ доллар режа графиги белгиланган бўлиб, **1** декабр ҳолатига **24,7** млн. АҚШ доллар қийматга тенг бўлган саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниб йиллик режа **58,9** % га бажарилди. Йил якунига қадар маҳсулотнинг экспорт ҳажмини **28,5** млн. АҚШ долларга бажаришга эришамиз. Бугунги кунда экспортнинг аҳоли жон бошига нисбати **121** АҚШ долларига тўғри келади.

Хориждаги Ўзбекистоннинг тегишли консулхоналари билан ҳамкорликда иш олиб борилиши ҳисобига **13,0** млн. долларлик маҳсулотлар экспортига эришилган ҳамда бундан кейин ҳам ҳамкорликда ишлар жадаллик билан олиб борилиши режалаштирилган.

Шунингдек, **2021** йилда экспорт ҳажмини ошириш максадида янги лойиҳаларни ишлаб чиккамиз.

Мисол учун; "Жарқўрғон Баракали ёғ" МЧЖ томонидан "ун маҳсулоти ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳаси ҳисобига, йилига **150,0** минг тонна ун ишлаб чиқарилади. Мазкур ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг **100** фоизи Афғонистон давлатига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

"Жасур Агромаш Сервис" МЧЖ томонидан "Гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш" лойиҳасини ташкил этиш ҳисобига йилига **3960,0** минг квадрат метр "Гипсокартон" маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилиб, маҳсулотнинг **60** фоизи экспортга йўналтирилади.

Кичик саноат зонаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018** йил **29** мартдаги **ПҚ-3636**-сон қарорига асосан Жарқўрғон туман "Янгиобод" МФЙ ҳудудида **1** та кичик саноат зонаси ташкил этилди, ер майдони **2,9** га, **10** та тадбиркорлик субъектлари томонидан, умумий қиймати **17** млрд **660** млн. сўмлик, **10** та лойиҳада йил якунига қадар саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарилишини ташкил этиш режалаштирилган эди. Амалда эса **2** та ташаббускор тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш технологиялари олиб келиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Натижада **12** нафар ишсиз фуқаролар доимий иш билан таъминланишига эришилди.

2021 йилда **8** та лойиҳада ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ўрнатиш ишларини якунига етказиб лойиҳани ишга тушириш натижасида **114** нафар иш ўрни яратилади ва 8 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Жарқўрғон туманида 2020 йилнинг **1** декабр ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони **1786** тани ташкил этиб, шундан **1694** таси фаолият юритмоқда, шундан янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони **593** тани ташкил этади.

Жорий ой якунига қадар ишга тушадиган лойиҳаларга имтиёзли кредит ажратилиши ҳисобига яна **65** та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, йил якунига қадар янгидан ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонини **658** тага етказиш режалаштирилган.

2021 йилда кичик бизнес субъектлари сонини **2** бараварга ошириш мақсадида янгидан **900** та кичик бизнес субъектларини ташкил этиб, умумий кичик бизнес субъектлари сонини **3352** тага етказиш режалаштирилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи

Бугунги кунда туманимиз аҳолиси **220,9** минг нафарни ташкил этиб, туманимизда **66** та маҳалла, **37051** та хонадон, **51697** та оила бор. Иқтисодий фаол аҳолимиз **88,9 минг** нафарни (**41** %), иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони эса **30,4** минг нафарни (**14** %) ташкил этади, бундан ташқари **12,5** минг нафари (**5,6** %) Республикадан ташқарига чиқиб кетганларни ташкил қилади.

2020 йил январь-ноябр ойларида туманда ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи **2** млн **508** минг сўмни ташкил этди. (2019 йилнинг январ-ноябр ойларида **2** млн. **31** минг **600** сўмни ташкил этган).

Шунингдек, жорий йилнинг январ-ноябр ойларида туман бўйича жами **1423** нафар ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Шундан **689** нафарини аёллар ва **666** нафарини ёшлар ташкил этади. Бундан ташқари, бандликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Меҳнат вазирлиги томонидан **2,6** млрд. сўм маблағ ажратилди. Бунинг натижасида тумандаги **2747** нафар ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Шу билан бирга йил давомида **870** млн. сўм субсидия ажратилиб, **86** нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Жорий йилнинг январ-ноябр ойларида **124** нафар фуқароларга бўш турган томорқадан фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилишлари учун иссиқхоналар қуриб берилди. Бунинг учун **736,5** млн. сўм пул маблағлари ажратилди, **15** нафар фуқароларнинг томорқаларидан фойдаланишлари учун шароит яратиш мақсадида **30,1** млн. сўм пул маблағлари ажратилиб, суғориш воситалари етказиб берилди.

Бундан ташқари, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан касб-ҳунар ўргатишга **180** нафари, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига **2747** нафари, қуролли кучлар захирасига **207** нафари, озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилган фуқаролардан **8** нафари, ташкил этилган янги иш ўринларига **841** нафари, чет элдан қайтган фуқароларнинг **12484** нафари тўлиқ иш билан таъминланди.

Туманда ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича **2** та марказ ташкил этилди. Шунингдек, ишсизлик нафақасини олаётганлар сони **186** нафарни ташкил қилиб, ҳозирда расмий бўш иш ўринлари **384** та бўлиб, ишсизлар сони **10 222** нафарни (**11,5**%) ташкил қилади.

Жорий йилда Аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар бўйича **1292** та юридик ва жисмоний шахсларга **32,6** млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури доирасида **24,9** млрд. сўм, "Ёшлар келажагимиз" дастури бўйича **2,9** млрд. сўм, ҳунармандчиликни ривожлантириш учун **4,1** млрд. сўм, хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлашга **0,7** млрд сўм ажратилиши таъминланди. Натижада **1976** нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишига эришилди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий йилда **3** та йўналиш бўйича «Темир дафтар» юритиш тизими йўлга қўйилди. Бунда камбағалликни қисқартириш, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш ҳисобига, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш асосий максад этиб белгиланди.

Туманда "ТЕМИР ДАФТАР"га йил бошида дастлаб **2337** та камбағал оилалар аниқланиб киритилган эди.

Пандемия даврида доимий даромадини йўқотган **1642** нафар оила такрорий хатлов натижасида аниқланиб, жами "Темир дафтар"га **3979** та эҳтиёжманд оилалар киритилди. Уларнинг оила аъзолари сони **17208** нафарни, меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони **3857** нафарни ташкил этиб, ҳозирда доимий бандлиги таъминланганлар сони **3792** нафарни, яъни 98,3 фоизни ташкил этади.

Мазкур «Темир дафтар»га киритилган оилаларга жами кўрсатилган ёрдамлар **3,7** млрд. сўмни ташкил қилади.

Шунингдек, бугунги кунда "Темир дафтар"да жами **292 та** камбағал оилалар қолган бўлиб, айнан мана шу оилалар доимий равишда менинг раҳбарлигимда **3 та** сектор раҳбарларининг доимий назоратида бўлади. Мазкур оилаларга доимий равишда моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш алоҳида назоратга олинган.

Ҳурматли Юртбошимиз томонидан 8 октябр куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида **хотин-қизлар ва ёшлар ролини ошириш** ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида, ёшлар ва аёллар дафтарини юритиш ташаббуси билан чиқдилар.

Жарқўрғон туманида "Ёшлар" ва "Аёллар" дафтарини ташкил этишда тизимли ишлар йўлга қўйилиб хатлов ишлари тўлиқ якунланди.

Туманимизда **46 минг 166 нафари** ёшлар мавжуд бўлиб, хатлов жараёнида ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижасида, жами **18-30** ёшдаги **39 минг 520 нафар** нафар ёшлардан анкета сўровномалари ўтказилди ва ушбу ёшларнинг сўровнома маълумотлари умумлаштирилиб, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу ёшларнинг **31 минг 311 нафар**и банд бўлган (муаммосиз)ёшларни, **8 минг 209 нафар** банд бўлмаган (муаммоли) ёшларни ташкил этди. 2020 йил якуни ва **2021** йилда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди:

Шундан,

- Касб-ҳунар эгаллаш истагини билдирган **612** нафар ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш;
- **3327** нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш;
- **1538** нафар ёшларга тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредитлар ажратиш ва тадбиркорлик фаолияти учун яқиндан амалий ёрдамлар бериш.
- **2732 нафар** ёшларда ижтимоий муаммолар аникланди.

Мазкур муаммолар билан ҳар бир сектор раҳбарлари шахсан шуғулланиб, уларнинг муаммолари бартараф этиб борилади.

«Аёллар дафтари» борасида тўхталиб ўтар эканман, туманимизда истиқомат қилиб келаётган **109** минг **508** нафар опа-сингилларимизни эртанги кунида уларга яхши турмуш тарзини яратиб бериш, туман ҳокими сифатида, биз раҳбарлар зиммасида эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда туманда ишсиз аёллар билан ишлашда янгича тартиб асосида иш ташкил этилиб, хатловда **30** ёшдан юқори аёллар сони **37351** нафарни ташкил этиб, шундан **34520** нафар аёлларга анкета сўровномалари тўлдирилиб ишга бўлган эҳтиёжи таҳлил қилинди. Натижада **78** нафари касб-ҳунарга ўқиш, **1315** нафари тадбиркорлик қилиш, **3934** нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож, **754** нафари ишлаш истагини билдирган хотин-қизларни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини босқичма-босқич бартараф этиш мақсадида «Манзилли йўл харита»си ишлаб чиқилди.

Ҳурматли Президентимизнинг **«Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади»** деганидек ишсиз хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, **«Аёллар дафтари»га** киритилди ва бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар бошлаб юборилди.

Хусусан, ўтган вақт мобайнида **689** нафар аёлларимиз иш билан таъминланди. Мисол учун, халқ хўжалигининг турли тармоқларига доимий ишларга **409** нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилиб бандлиги таъминланди. Жумладан, "Сурхонтекс" МЧЖ, "Нортекс" МЧЖ, Халқ таълими соҳасига қарашли барча мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасалари ва "Чароғонтекс" каби ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилди. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига **436** нафар хотин-қизлар мавсумий ишларга жалб қилинди. Касбга ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта ўқитишга **87** нафар хотин-қизлар "тикувчилик" йўналиши бўйича ўқитилди. Туманда иш билан таъминланмаган, қарамоғида ногирон фарзанди бор, уй шароитида доимий даромад манбаига эга бўлиш истаги бўлган хотин-қизларнинг **19** нафарига туман касаба уюшмаси томонидан маиший техника воситалари (газ плитаси, духовка ва тикув машинаси) олиб берилди. Туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик қилиш истагида бўлган **85** нафар хотин-кизларга имтиёзли кредитлар ажратишга тавсия берилиб, **41** нафарига тикувчилик ва «иссиқхона» йўналиши бўйича имтиёзли кредитлар ажратилди ва бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг **2019** йилнинг **28** ноябр кунида **ПФ-5886**-сонли Фармони асосида туман комиссияси томонидан уй-жой сотиб олиш истаги мавжуд бўлган фуқароларга уй-жой сотиб олишда бошланғич бадалнинг **10** фоизи ҳамда ипотека кредит фоизининг **10** фоиздан ошган қисми биринчи беш йил давомида тўлаб берилиши учун **11** нафар фуқарога ижобий хулосалар берилди. Мазкур ижобий хулоса олган фуқароларнинг **82** фоизини хотин-қизларимиз ташкил қилади.

2020-2021 йилларда аниқланган ишсиз хотин-қизларни доимий иш билан банд қилиш борасида мавжуд бўш иш ўринларига **754** нафар, тикувчилик соҳасига **22** нафар, қишлоқ хўжалиги соҳасига **15** нафар, тадбиркорлик соҳасига **28** нафар хотин-қизларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Жарқўрғон туманида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни жорий йил якунига қадар ва **2021** йилда доимий иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга шахсан сектор раҳбарлари масъул этиб белгиланди.

Ҳурматли Сессия иштирокчилари, амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларимиз ва ишлаб чиқилган чора-тадбирларимизнинг пировардида янги иш ўринларини ташкил этиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишсиз қатламини иш билан банд қилиш, натижада туманда камбағалликни қисқартириш, аёллар ва ёшларнинг бошқа ёт иллатларга оғиб кетмаслигини таъминлаш асосий максад қилиб қўйилган.

Бунда асосан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларимиз онгида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, янги ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда иқтисодиётимизни тубдан ислоҳ қилишга эришилади.

Бюджет тушумларининг бажарилиши бўйича

Жорий йил давомида бюджетга тушумларини камайтирган корхоналар бўйича алоҳида тизимли ишлар ташкил қилиниб, ҳозирда солиққа пул тушумини камайтирган **176** та корхоналардан **126** тасининг (**71** %) фаолиятини тиклашга эришилди. Ҳозирда солиқ тушуми тикланмаган корхоналарнинг **50 та**сида **100 млн.** сўмдан юқори бўлган банк кредит қарздорликлари мавжуд бўлиб, умумий кредит миқдори **77,9** млрд. сўмни ташкил қилади.

2021 йилда мазкур қарздорлиги мавжуд корхоналар фаолиятини тиклаш, уларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш максадида алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, амалий ишлар ташкил этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан жорий йилнинг **1** ноябр ҳолатига **58 та** тадбиркорлик субъектига **14,5 млрд.** сўмлик амалий ёрдамлар берилди. Берилган амалий ёрдамларнинг **32 таси** **10,4 млрд. сўмлик** кафиллик берилиши ҳамда **25 та** тадбиркорлик субъектларига **4,1 млрд.** сўмлик компенсация тўловлари ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари "**2** та иш ўрни яратган тадбиркорни бошга кўтариш керак" деганларидек, туманда фаолият юритаётган ва фаолиятини янгидан ташкил этган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига **42** та тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан жами бўлиб **1** млрд **200** млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур ажратилган кредитлар ҳисобига тадбиркорлар томонидан **86** та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

2021 йилда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва янги тадбиркорликни ташкил этишда, **2020** йилга нисбатан **120** фоизга оширилиши ҳисобига тадбиркорлар томонидан **786** та янги иш ўрни яратилишини таъминлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019** йил **28** ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4539-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 декабр ҳолатига **131** та ҳунармандлар жалб этилиб, **4,1** млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, **1** декабр ҳолатига туманнинг иш билан банд бўлган аҳолисининг **7128** нафари тадбиркорлик субектларида фаолият олиб бормоқда.

2021 йилда янги лойиҳаларимизни ишга тушириш ҳамда мавжуд корхоналаримизни модернизация қилиш ҳисобига туманимизда иш билан банд аҳоли сонини **8023** нафарга оширишни таъминлаймиз.

Бугунги кунда туманда солиқ тўловчиларнинг умумий сони **54,2** минг нафарни ташкил қилиб, мазкур кўрсаткич **2019** йилга нисбатан **102** фоизга ўсишига эришилди.

Кўрилган чоралар натижасида бюджетга тушумлар режаси Жарқўрғон тумани учун **2020** йилнинг шу давригача **118,8** млрд.сўм қилиб белгиланган режа, амалда **135,5** млрд. сўмга (**114** %) бажаришга эришилди.

Жарқўрғон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида янгидан ташкил этиладиган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалда ўз натижаларини бериб келмоқда.

Жумладан, туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида **2020-2022** йилларда жами **137** та умумий қиймати **392,7** млрд. сўмлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, **1248** та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган эди. Шу ҳисобда **2020** йил давомида жами **21** та умумий қиймати **185** млрд.сўмлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига **295** та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган эди.

Амалда, қиймати **119,6** млрд. сўм бўлган **20** та лойиҳа амалга оширилиб, янгидан **206** та иш ўринлари яратилди. Бунинг натижасида бюджетга қўшимча **4,4** млрд. сўм солиқ тушуми тушишига эришилди.

Мисол учун, "Layf Water" МЧЖ томонидан қиймати **7,4** млрд. сўмлик "Минерал сувни қадоқлашни ташкил қилиш" лойиҳасини амалга оширилиши натижасида **35** та янги иш ўринлари яратилиб, мазкур лойиҳада яратилган иш ўринларига аёллар ва ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, «KARVON ALFA MAX SERVIS « МЧЖ қиймати **5,8** млрд. сўм лойиҳаси, **5** та иш ўрни. Солиққа **3,9** млрд. сўм тушум;

«Намуна истиқлол» хусусий фирмаси қиймати **620,0** млн. сўм лойиҳаси, **8** та иш ўрни. Солиққа **14,6** млн. сўм тушум;

«BLACK PLAST» МЧЖ қиймати 2,7 млрд. сўм лойиҳаси 25 та иш ўрни. Солиққа 27,1 млн. сўм тушум.

2021 йил давомида мазкур ишларни давом эттириш мақсадида жами **107** та умумий қиймати **270,6** млрд.сўмлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, **817** та янги иш ўрни ташкил этилади.

2022 йил давомида ҳам жами **25** та умумий қиймати **117,7** млрд.сўмлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши режалаштирилиб, **421** та янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

Бундан ташқари, жорий йилда туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

2020 йилда қиймати **36,5** млн. доллар режа белгиланган бўлиб, шундан январ-сентябр ойларида **10,1** млн. доллар (**2,5** млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва **7,6** млн. долларлик хорижий кредит линиялари асосида пул маблағлари) ўзлаштирилишига эришдик.

Йил якунига қадар яна **1,1** млн. АҚШ долларлик тўғридан-тўғри ва хорижий кредит линияларидан пул маблағлари ўзлаштирилиши кутилмоқда.

(Маълумот учун: «Жарқўрғон баракали ёғ» МЧЖ ХК қиймати **1,1** млн. доллар 10 та янги иш ўрни яратилди).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантириш, маҳаллий бозорда нархнаволарни барқарорлаштиришда импортни оптималлаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур йўналишда Жарқўрғон туманида бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ишга туширилиб, бир вақтнинг ўзида саноат соҳасини ривожлантиришга, янги иш ўринларини яратишга, солиққа қўшимча тушум туширишга, нархнавони барқарорлаштиришга ҳамда импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга эришилди.

Жорий йилда маҳаллийлаштириш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган жами **2** та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилиб, йил якунига қадар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми **2,7** млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирган эди. Амалда эса **2** та лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилиши ҳисобига, бугунги кунга қадар жами **2,9** млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткични йил якунига қадар **3,2** млрд сўмга етказиш режалаштирилиб, режага нисбатан **118,5** фоизга бажарилади.

"Блек пласт" МЧЖ томонидан ҳар хил турдаги полиэтилен труба, (маҳаллийлаштириш даражаси 70%) "Магнат Пайнтс" МЧЖда қурилиш соҳаси учун бўёқ (маҳаллийлаштириш даражаси 100%) маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бироқ амалда белгиланган кўрсаткични бажарган бўлсакда, **5** та лойиҳанинг жорий йилда ишга туширилиши таъминланмасдан қолди. Бунда йил давомида коронавирус пандемияси сабаб **3** та лойиҳа ташаббускорларининг таклифларига асосан **2022** йилга кўчирилди. Шу билан бирга **1** та лойиҳа истиқболсиз деб топилди ва 1 та лойиҳа суд жараёни давом этаётганлиги сабабли тўхтаб турибди.

2021 йилда импортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қўшимча қурилиш материаллари ва мебел ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилди.

Жумладан: "SURHANCEMENTINVEST" МЧЖ ҚК томонидан цемент ишлаб чиқаришнинг **2**-босқичи учун қиймати **2,5** млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш режалаштирилди.

Давлат улуши мавжуд корхоналарнинг хусусийлаштирилиши натижасида эришилган самарадорлик тўғрисида гапирар эканман, туман ҳудудида хусусий объектлар бўйича "ДАВЛАТ МУЛКИ" ахборот тизимига жами **97** та бўш турган объектлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан **45** та хусусий мулк объектларига жами **792** млн. сўм таъсирчан солиқ ҳисобланиб, **101** млн. сўм солиқ тўловлари ундирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида январ-сентябр ҳолатига **22** та объект ишга тушириш ҳисобига **93** та янги иш ўринлари яратилди. **2020** йилга қадар жами **67** та аввал хусусийлаштирилган бўш турган объектлар мавжуд бўлиб, шундан 22 та объектлар тўла қувватда ишлаб келмоқда. Қолган **45** та объектлар кам қувват билан ишламоқда.

2021 йилда мазкур корхоналарни тўлиқ ишга тушириш чоралари кўрилиб, янги иш ўрни яратилиши ҳамда солиққа тушум туширилиши таъминланади.

Бугунги янгиланаётган Ўзбекистонимизда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш асосий мақсад қилиб олинган.

Жарқўрғон туманининг **2035** йилгача ишлаб чиқилган Бош режасига асосан бугунги кунда туманимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли уйларнинг қурилиши, йилдан-йилга саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўпайиб бориши ҳисобига электр, газ, ичимлик сув ҳамда иссиқлик таъминотига бўлган талаб ортиб, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция ва Давлат дастурлари асосида бу соҳада кўплаб қарорлар қабул қилинди. Биргина 2020 йилда Жарқўрғон туманининг ўзида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Дастурлар доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Ўтган **2019** йилда Инвестиция дастурига асосан **25,2** млрд. сўм қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилганди. 2020 йилда эса Жарқўрғон туманида жами **12** та объектлар бўйича **22,8** млрд. сўм (**100%**) маблағ молиялаштирилиб, амалда **22,8** млрд. сўмлик (**100%**) ишлар бажарилди:

Электр таъминотини яхшилаш бўйича:

Ўтган **2019** йилда "Ўзбекэнерго" АЖнинг **497,5** млн. сўм маблағлари ҳисобидан электр тармоқлари бўйича амалда қуйидаги ишлар бажарилди.

2020 йилда эса Жарқўрғон туманидаги паст кучланишли электр тармоқларини ва трансформатор пунктларини реконструкция ва мукаммал таъмирлаш **Дастурига асосан;**

Туманда **3,4** км 0,4-110 кВ электр узатиш тармоқлари мукаммал таъмирланди, янгидан **5** дона трансформатор пунктлари ўрнатилди, **39** дона трансформатор

Давоми 3-бетда

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДА 2020 ЙИАДА АМААГА ОШИРИАГАН ИСАОҲОТААР ЮЗАСИДАН ТУМАН ТУМАН ҲОКИМИ ЎРАҚОВ БАҲОДИР АБДУҚАЮМ ЎҒАИНИНГ МУРОЖААТИ

Боши 1-2-бетда.

пунктлари мукаммал таъмирлаш ҳамда қўшимча **69** дона трансформатор пунктлари ва **171,8** км ҳаво электр узатиш тармоқларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган бўлиб, барча ишлар **100** фоизга амалга оширилди.

2021 йил туман аҳолисини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида зўриқиб ишлаётган подстанция «Чинор»даги 35/10 кВ трансформатор **Т-1 6300** кВани **10 000** кВага, подстанция «Истиқлол»даги 110/35/6 кВ трансформатор **Т-1 6300** кВани **10 000** кВали трансформаторга алмаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 10 ноябрдаги №02-3181-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган.

Ушбу янгидан ўрнатилиши режалаштирилган **2** дона трансформаторларга **6,0** млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

Қўшимча 2021 йил **2000** дона эски ёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш сифатини янада яхшиланишга эришилади.

Бундан ташқари, туман электр таъминоти корхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида **3** та янги техникалар, яъни **1** дона автокран, **1** дона «Газел» автомашинаси, **1** дона «ямабур» техникалари олиб берилиши режалаштирилган.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича:

2020 йил давомида туманда жами газ таъминоти учун **169,4** км газ қувурлари мавжуд бўлиб, **121** дона газ тақсимлаш қурилмаларини (ГРП) тафтиш қилиш ишлари амалга оширилди. **6,7** км газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари амалга оширилди.

2021 йилда ушбу соҳада қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

Жумладан;

- Жарқўрғон туманидаги "Қораёнтоқ" маҳаллаларидан қурилиши режалаштирилаётган имтиёзли кредитлар асосида бериладиган намунали 5 қаватли уйларни табиий газ билан бир маромда таъминлаш;

- Жарқўрғон тумани ҳудудида **15** та МФЙ аҳоли хонадонларини ҳамда ижтимоий соҳа объектларини тўлиқ табиий газ тармоғига улаш учун қўшимча **0,3** км табиий газ қувурини тортиш ишларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, туман аҳолисини **1603** дона суюлтирилган маиший газ баллонлари билан таъминлаш, шу билан бир қаторда «Тумангаз» корхонасининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича **1** дона «ISUZU» юк автомашинаси ҳамда аҳоли хонадонларини **2791** дона замонавий электрон газ ҳисоблагич ускунаси (ГХУ) ўрнатиш режалаштирилган.

Иссиқлик таъминоти бўйича;

2019 йилда тумандаги умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари маъмурий биноларига **152** дона янги замонавий қозон ўрнатилган. **2020** йилда Инвестиция дастури доирасида эса, **213** млн. сўм маблағлар ҳисобидан **35** та мактаб ва **3** та мактабгача таълим ташкилотининг иссиқлик қозонини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари якунига етказилди.

Ижтимоий соҳанинг муҳим элементи бўлган аҳолини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув хизматларини яхшилаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда, туман ҳудудидаги **66** та маҳаллада яшовчи **220,9** минг аҳолининг **55,2** минг нафар аҳолиси яъни, **25%** марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, қолган **165,7** минг нафар (**75%**) аҳоли алтернатив-муқобил ичимлик сув манбалардан фойдаланиб келмоқда.

Шунингдек, тумандаги мавжуд **39** та бюджет муассасалари ва **19** та улгуржи истеъмолчилари ичимлик суви билан таъминланган.

Инвестиция дастури доирасида, **2018-2020** йилларда Республика бюджетининг **26** млрд.сўм маблағлари ҳисобидан **12** та лойиҳалар бўйича ичимлик сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Бунинг натижасида, туманнинг **17** та маҳаллаларидаги **17** минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

2020 йилда Инвестиция дастури доирасида, **3** та ичимлик сув объектларида **3,7** млрд. сўмлик **5,0** км узунликдаги ичимлик сув қувурларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда **2** дона янгидан сув чиқариш қудуғини қазиш ишларини амалга ошириш режалаштирилиб, амалда **3** та объект учун **3,7** млрд сўмлик (**100%**) қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, **5** км узунликдаги ичимлик сув қувурлари фойдаланишга топширилди.

"Янгиобод", "Бешбулоқ", "Узумзор" ва бошқа МФЙларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида **5** дона янгидан сув чиқариш қудуғини қазиш ишлари якунига етказилди.

Сув таъминоти объектлари бўйича:

Туманда ичимлик суви таъминоти абонентлари сони **13426** нафарни ташкил қилиб, шундан марказлашган ичимлик суви қувурига уланган **5216** нафар (**38%**) абонент "биллинг" тизимига киритилган ҳамда **3907** та (**58%**) хонадон сув ҳисоблагичлар билан таъминланган.

Юқоридаги ичимлик сув тизимида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилгандан сўнг жорий йил якуни билан **300** та абонент ҳисобга олиниб, "биллинг" тизимига киритилади ва **4207** нафар (**61,2%**) абонентларга сув ҳисоблагичлари ўрнатилади.

2021-2023 йилларда ичимлик сув ва оқовасув тизимини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар режалаштирилган.

Ушбу янгидан қурилиши режалаштирилган оқова сув тизимининг 4 км қисмига **28,0** млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

Жумладан, 3 та сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий ускуна ва жиҳозлар ўрнатиш, **5,1** км ичимлик сув тармоқларини тортиш;

-Жарқўрғон туманининг Бош режасига асосан **8** та маҳаллаларда **8** дона сув чиқариш Артизан сув қудуғи ва **37,2** км ичимлик сув тармоғини қуриш;

- "Узумзор" маҳалласида **4** км ичимлик сув қувурини ўрнатиб, марказлашган ичимлик сув қувурига улаш ишлари амалга оширилади. Натижада ичимлик суви таъминоти бўйича кўрсатгич **54,7** фоиздан **62,9** фоизга ўсишига эришилади.

Автомобил йўллари бўйича

2021 йил Жарқўрғон тумани марказидан ўтувчи М-41 "Бишкек-Душанбе-Термиз" автомобил йўлининг 1575-1588 км, 13 км қисмида 2015 йилга нисбатан автомобилларнинг ҳаракат жадаллиги 3 бараварга ўсиб, 2020 йилда ўртача суткалик ҳаракат жадаллиги 22,0 минг авт./суткани ташкил қилаётганлиги сабабли 13 км қисмини реконструкция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 10 ноябрдаги №02-3181-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган. Ушбу янгидан қурилиши режалаштирилган автомобил йўлининг 13 км қисмига **30,0** млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

Ҳурматли сессия иштирокчилари, барчамизга маълумки, Жарқўрғон туманининг ишлаб чиқилган Бош режасига биноан ҳамда ишлаб чиқилган бош лойиҳаси асосида, охирги **3** йил давомида, туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туман аҳолиси учун муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Хусусан, **2018-2020** йилларда туманимизда **25** та эски пастқам турар ва нотурар бино-иншоотлар бузилиб, ўрнидан бунёд этилган жами **1** та **43** хонадонли замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилди ҳамда ҳозирги кунда 53 хонадонли уй-жой қурилиш ишлари давом этмоқда, ҳудудда 1 та истироҳат боғи ва бошқа кўплаб ижтимоий объектлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Какайди қўрғони "Нефтчилар" маҳалласи ҳудудидан 2000 кв.м ер майдонига "Е-ижро аукцион" савдо майдончасида, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқталари мавжуд бўлган 1 та 5 қаватли 28 хонадонли турар-жой комплекси қуриш режалаштирилган.

Бугунги кунда бутун юртимиз бўйлаб, яна бир соҳага жуда ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу соҳа ҳозир ҳам эътибор марказида турибди десам адашмаган бўламан.

Сўнгги 3 йил давомида туманда 1 та 4 қаватли 24 хонадонли арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиши якунига етказилиб, ўз эгаларига топширилди.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларга 16 хонадонли 32 та хонадон, ички ишлар ходимларига 34 та хизмат уйлари ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари учун 3 та 4 хонали уй-жойлар қурилиб ўз эгаларига топширилди.

Хусусан, 2021 йилда Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги 5886-сонли Фармонига асосан, туманнинг «Қораёнтоқ» маҳалласи ҳудудидан лойиҳадаги 4Р-100 айланма йўли ёқасидан 5 қаватли 20 хонадонли 60 та турар-жой бинолари қуриш ишлари белгиланган.

Мактабгача таълим тизимида

Жарқўрғон туманида 2017 йилда фақат давлат мактабгача таълим ташкилотлари бўлиб, уларнинг сони 35 та эди холос.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Жарқўрғон туманида жами **127 та** мактабгача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ўтган уч йилга нисбатан **92 та**га кўп, яъни **263 фоиз**га ўсиш демакдир.

Жумладан, Давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони **49 та**га, хусусий мактабгача таълим ташкилотлари сони **1 та**га, давлат хусусий-шерикчилик шаклидаги мактабгача таълим ташкилотлари сони **2 та**га ҳамда оилавий мактабгача таълим ташкилотлари сони **75 та**га етказилди. Натижада, тумандаги **3-7 ёшгача бўлган болаларни қамров даражаси *19* фоиз**дан **51 фоиз**га оширилди.

Ҳозирги вақтда 19 884 нафар болалардан 10 150 нафари қамраб олинган бўлиб, йил якунига қадар яна 1 та давлат хусусий-шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотини, 10 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ишга туширишни ҳисобига қўшимча 350 нафар болаларни қамраб олиш ҳамда қамров даражасини 55 фоизга етказиш режалаштирилган.

Жорий йил давомида Жарқўрғон туманидаги мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларда таълим олувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 24, 28 ва 35-сонли мактабгача таълим ташкилотлари давлат дастури асосида, 5, 20, 31 ва 37-мактабгача таълим ташкилотлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қайта қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, жорий йил давомида 30-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳомийлар маблағлари ҳисобидан таъмирланди.

Халқ таълими тизимида

Жарқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 65 та умумтаълим мактаблари, вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 2 та мактаб-интернати, жами 67 та таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда.

Ушбу таълим муассасаларида 2020-2021 ўқув йилида 39 минг 909 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда. Шулардан, 39 минг 399 ўқувчи (99%) анъанавий шаклда, 510 нафари онлайн шаклда таълимга жалб қилинган.

Тумандаги 67 та умумтаълим мактабларининг қуввати 35 068 ўрин бўлиб, 39 909 нафар ўқувчилар сонига нисбатан 0,87 коэффициентни ташкил этади.

2020 йил октябр ҳолатига умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфларини битирган 3 498 нафар битирувчиларнинг 536 нафари, яъни 15 фоизи олий таълим муассасаларига қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 30 октябрдаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган 86-сонли йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. **Жумладан;**

Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқишда умумий ўрта таълим мактабларидаги энг ижодкор, тажрибали ва олий тоифали 27 нафар фан ўқитувчилари иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб келмоқда.

Шунингдек, Жарқўрғон туманидаги 4-сонли умумтаълим мактаби 20-сон математека фанига ихтисослаштирилган таянч мактабига айлантирилди. 42-мактаб филиалига эса 4-сон мактаби мақоми берилди.

2021 ўқув йилида коэффициенти юқори бўлган мактаблар навбатлилигини пасайтириш ва аҳолининг демографик ўсишини инобатга олган ҳолда Жарқўрғон тумани «Қўштепа» маҳалласида 210 ўқувчи ўринли 2,9 млрд сўмлик, "Узумзор" маҳалласида 330 ўқувчи ўринли 4,6 млрд сўмлик қийматга тенг бўлган мактаб бинолари фойдаланишга топширилади.

Ҳурматли сессия иштирокчилари, аҳолининг соғлом турмуш даражасини таъминлаш, уларга тиббий хизматлар сифатини ва қулайлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жарқўрғон туманининг тиббиёт бирлашмаси тасарруфида марказий шифохона, марказий шифохонанинг юқумли касалликлар бўлими, 6 та қишлоқ оилавий поликлиникалар, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда унинг Сурхон ҳудудий бўлими, 1 қишлоқ врачлик пункти, 11 та тез тиббий ёрдам шахобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда биргина Жарқўрғон туманининг ўзида нодавлат тиббиёт муассасалари сони 11 тага етказилиб, уларнинг 5 таси стационар ҳамда амбулатор шароитида, 6 таси амбулатор-поликлиника шароитида фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2020-2022 йил Инвестиция дастури асосида Жарқўрғон туманида 1,5 млрд. сўмлик 100 қатновга мўлжалланган 1 та 27-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси мукаммал таъмирланиши режалаштирилган.

Шу билан биргаликда 2020 йил давомида тиббиёт соҳасининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида жами 736 млн.сўм маблағ ажратилди.

Биз раҳбарларни ҳамда барча соҳа вакилларининг яна битта олдимизга қўйган асосий вазифалардан бири бу жиноятларни камайтириш, ёшларнинг жиноятга қўл уришининг олдини олиш ҳисобланади.

Туманда жорий йилнинг 11 ойи давомида туман маҳаллалари кесимида 190 та жиноят содир этилган (2019 йилда 131 та). Мазкур жиноятнинг 27 таси ёшлар, 16 таси хотин-қизлар, 2 таси вояга етмаганлар, 4 таси ишсизлар, 5 таси маст ҳолда, 12 таси муқаддам судланганлар томонидан содир этилган.

Жорий йилнинг 11 ойи мобайнида туман ҳудудидаги 6 та маҳаллада жиноят камайган бўлса, 37 та маҳаллада жиноят ошган. Жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони 19 тани ташкил этади.

Жарқўрғон туманида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маҳаллаларни 3 тоифа ("Яшил", "Сариқ" ва "Қизил")га бўлиб олдик ҳамда "Қизил" тоифага киритилган 37 та маҳаллаларда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда депутатлар, жамоатчилик ташкилотлари маҳалла фаоллари билан биргаликда маҳаллаларда ишсиз ёшларни ишга жойлаштирилиши, фуқароларга маънавий тарғибот ишлари олиб борилиши ҳисобига жиноятчиликни камайтириш режалаштирилган.

Туман ҳудудида жойлашган маҳаллалардан интернет тизимига уланганлар 2 тани, алоқа воситалари мавжудлари 66 тани ташкил этиб, компьютер қурилмалари тўлиқ таъминланмаган, маҳаллалар ҳудудида жами 728 та назорат камералари ўрнатилган. Маҳаллаларда ҳозирги кунда ўрнатилган ташвишгоҳ (SOS) тугмалар сони 25 тани ташкил этади.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида биринчи навбатда уларнинг оилавий шароитларини ўрганиб чиқиб, мавжуд муаммоларини ҳал этиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. (2020 йилда 5 та жиноят).

Вояга етмаганлар бўйича жиноят қилишга мойиллиги бўлган 3 нафар ёшларнинг рўйхати шакллантириб, ҳар бирига тажрибали педагог ва психологларни бириктирдик. (2020 йилда 2 та жиноят).

Жорий йилда биринчи марта ушбу тоифадаги ёшларни 54831-сонли ҳарбий қисмга жалб қилиб, 10 кунлик ўқув машғулотларини ўтказиб, 3 нафар жиноятчиликка мойил ўқувчиларни ҳарбий қисмдаги машғулотларга жалб қилиб, ёшларни ватанпарварлик руҳини шакллантиришига эътибор қаратдик.

Ҳозирги кунда турли сабабларга кўра доимий яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқароларнинг 11 ой давомида 2823 нафари яшаш жойларига қайтишди. (2440 нафар эркак ва 383 нафар аёллар ҳамда 33 нафар вояга етмаганлар).

2021 йилда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар бир маҳалла кесимида жиноят содир этилишини камайтириш мақсадида барча вазифаларни амалга оширамиз. Жиноят содир этилмаган маҳалла мутасаддиларини рағбатлантириш ишларини давом эттирамиз.

Спорт сохасида

Жарқўрғон туманида 1 та Болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда 4 та стадион, 54 та спорт заллари, 34 та баскетбол, 68 та волейбол, 31 та гандбол, 2 та теннис корти, 65 та футбол майдони, 18 та мини-футбол майдони, 23 та сунъий қопламали мини-футбол майдони, 2 та ҳаво милтиғидан ўқ отиш (ТИР) хонаси фаолият юритиб, мавжуд спорт мактаби ва мактабларда 313 та спорт секцияларида мунтазам спорт билан шуғулланувчилар сони 17 минг 667 нафар бўлиб, шундан 5614 нафари қиз болаларни ташкил этмоқда.

Шунингдек, туманда «Хотин-қизлар ҳафталиги»да жами 6 та спорт тадбирлари ташкил этилиб, 746 нафар хотин-қизлар қамраб олинди, «Таълим муассасалари ҳафталиги» бўйича 8 та оммавий тадбирга жами 2 минг 346 нафардан ортиқ ёшлар, «Маҳалла ҳафталиги»да жами 6 та тадбир ўтказилиб, 1 минг 721 нафардан ортиқ маҳалла аҳолиси ҳамда «Ёшлар ҳафталиги»да жами 8 та оммавий тадбир ташкил этилиб, 2 минг 094 нафар ёшлар иштироки таъминланди.

Ривожланиб бораётган гўзал ва бетакрор давлатимизда туризмнинг ўрни муҳим соҳалардан ҳисобланади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2020 йил 27 майдаги 332-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жорий йилда 2,9 млрд. сўмлик 120 та ҳунармандчилик лойиҳалари амалга оширилиши натижасида соҳада банд бўлганларнинг умумий сони 150 нафарга етди.

Ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича эришилаётган натижаларда соҳага берилаётган имкониятлар, жумладан ҳунармандчилик лойиҳалари учун ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2021 йилда «Янгиобод» маҳалласи ҳудудидан жами 1,5 га майдонга умумий қиймати 23,5 млрд сўмлик 200 ўринли, шундан 100 ўринли озиқ-овқат бозори, 50 ўринли ҳунармандлар бозори ва 50 ўринли эҳтиёт қисмлар савдо мажмуаси қурилиши режалаштирилган.

Жарқўрғон туманида туризм соҳасини ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд бўлиб, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, туманнинг «Жарқўрғон минораси» маҳалласида жойлашган «Жарқўрғон минораси» тарихий обидаси мавжуд. Мазкур минора 1108-1110-йилларда қурилган бўлиб, дунёда бу усулдаги миноралар (Афғонистон, Ҳиндистон ва Ўзбекистон) 3 та мамлакатда мавжуд.

2019 йилда Жарқўрғон минорасига саёҳат қилиш учун ташриф буюрган туристлар Канада, Афғонистон, Озорбайжон, Қозоғистон давлатларидан 12 нафардан ортиқ меҳмонлар келиб кетишган бўлса, жорий йилда карантин чекловлари сабабли Америка, Хитой, Россия давлатларидан 10 нафардан ортиқ туристлар ташриф буюрган.

Зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида туманда жойлашган 2 та қадамжо ва зиёратгоҳларни тартибга келтириш ва ташриф буюрувчилар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш мақсадида Хожа Самандар Термизий ҳамда Хожа Абдул Варроқ Термизий зиёратгоҳларида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб ва зарур шароитлар яратилди. Туманнинг ички автомобил йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Тумандаги барча аҳоли пунктлари, мактаб, техникумлар, боғча ва Соғлиқни сақлаш масканларига замонавий оптик толали кабеллар орқали юқори тезликдаги интернет тармоғи тортилиши таъминланган.

Аҳоли пунктларининг кенг полосали мобил алоқа тармоғи билан қамров даражаси UMS, Beeline, UzMobile, Ucell, Perfectum Mobile алоқа компаниялари орқали мобил алоқа хизмати кўрсатилади.

Жорий йилда 22 та мактабгача таълим ташкилотлари, 32 та мактаб, 7 та туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохоналар ва Оилавий поликлиникаларида оптик толали алоқа линиялари қурилиб юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Жарқўрғон туманидаги барча аҳоли пунктлари, мактаб, техникум, мактабгача таълим ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш масканларига 2021 йил давомида замонавий оптик толали кабеллар орқали юқори тезликдаги интернет тармоғи етказилиши таъминланади.

Ҳурматли депутатлар, Сессия иштирокчилари, жорий йил якуни ҳамда яқинлашиб келаётган 2021 йилда Жарқўрғон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда туманнинг инфратузилмасини янада яхшилашда барча имкониятларимизни сафарбар қиламиз. Бунинг учун бор куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни сизларнинг ёрдамларингиз билан сафарбар этамиз.

Янги 2021 йил барчангизга омадли, баракали бўлсин!

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИ ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенғаши депутатининг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддаси, «Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига асосан Халқ депутатлари Жарқўргон тумани Кенгаши қарор қилади:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашига 24-Қумқишлоқ округидан сайланган депутат Давлатов Зиядулла Ўраковичнинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тўхтатилсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби бўйича доимий комиссияси 10 кун муддат ичида Халқ депутатлари туман Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига янги депутат сайловини ўтказиш бўйича санани белгилаш юзасидан таклифларини киритсин.

3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси: Д.Хашимова.

9.12.2020 № 119/08-19.

* * *

Халқ депутатлари туман Кенгашининг бўшаб қолган ўринга янги депутат сайловини ўтказиш тўгрисида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига асосан Халқ депутатлари Жарқўргон тумани Кенгаши қарор қилади:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 24-Қумқишлоқ округида бўшаб қолган ўринга янги депутат сайловини ўтказиш 2021 йил 10 январ кунига белгилансин.

2. Жарқўргон туман ҳокимлигига бўшаб қолган ўринга янги депутат сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боглиқ барча тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Туман Молия бўлимига сайловни ўтказиш билан боглиқ бўлган харажатларни туман бюджети ҳисобидан қоплаш вазифаси топширилсин.

4. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Б.Сулаймановга юклатилсин.

Сессия раиси: Д.Хашимова.

9.12.2020 й. № 120/08-17

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ТАААБИДИР

Президенти фармони амалда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги фармони «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» деб номланади.

Жаҳонда COVID-19 пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиги, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатмоқда.

COVID-19 коронавирус инфекцияси, аввало, юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн) касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия баъзи фуқароларимизнинг бевақт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлди. Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик одатга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратишга зарурат туғилди.

Мазкур Фармонга кўра қуйидаги вазифалар белгиланди:

Ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш;

Оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш;

Аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишига бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш, зарарли одатлардан, хусусан, алкогол ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

Аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

Санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида «Соғлом турмуш тарзи (www.lhls.uz) платформасини яратиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги;

Бунда: Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан;

Ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҲУДУД бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 миллион сўм қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилиши таъкидланганлиги;

Ҳар чоракда ҳар бир туман (шаҳар)да «Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла» танлови ташкил этилиши;

Танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилгандан сўнг танловни ўтказишда маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари назарда тутилиши;

«Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла 10 миллион сўм, иккинчи ўринни олган маҳалла 5 миллион

сўм ва учинчи ўринга эга бўлган маҳалла 3 миллион сўм миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилиши таъминланиши;

Пул мукофоти маблағлари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказилиши ҳамда маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтирилиши белгилаб қўйилиши;

-Давлат органлари ва ташкилотларининг касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари, технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгилаш;

2021 йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкилотларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилаш йўлга қўйилиши;

Иш вақтидан сўнг танланган кунлар (ҳафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини таъминлаш;

Ҳар шанба соат 14:00дан кейин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ташкил этиш;

Биринчи раҳбарлар «Шахсий намуна» тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш) яхшилаш орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши;

Рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш;

Рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган давлат органлари раҳбарларини рағбатлантириш тизимини жорий этишни тавсия этиш каби вазифалар юклатилгандир.

Юқоридагилардан кўринадики, Юрт равнақи учун ҳар бир фуқаро ўзининг ва оила аъзоларининг соғлигига масъулият сезиши ва бу борадаги тўсиқларни енгиб ўтишда жонбозлик кўрсатиши лозимдир. Соғлом турмуш тарзи кундалик одатимизга айлансин.

Эргаш ҲАЙДАРОВ,
Олий тоифали врач валеолог.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Жарқўрғон тумани ҳокимлиги тасарруфидаги захира ер майдонлари ҳисобидан фермер хўжалиги ташкил этиш ва қўшимча ер майдони ажратиш учун танлов эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2, 12-бандлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган туман захирасида турган ер майдонларидан оқилона фойдаланиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Тумандаги “Сурхон ТФХБ”, “Халқобод Мададкори”, “Т.Шобуров”, “Оқтепа”, “Оққўрғон”, “Ҳ.Олимжон”, “Минор”, “Н.Боймуродов” ва “Олтин дон қўрғони” массивларида бўлган туман захира ер майдонлардаги 48қ,53,55,62, 337,328,324, 327, 331, 342қ, 748, 748б, 749қ, 758қ, 764, 767, 768, 806қ, 845, 848, 849 (850), 759, 1058қ, 1058а, 1069, 1082, 1083, 1001, 1016, 1016а, 1017, 1017 ак, 1234, 1301, 1302, 1298, 1296, 1296а, 1296б, 1296в, 1277к, 1277а, 1276к, 1362, 154, 155, 157, 156, 169к, 82, 69, 67, 65, 62а, 84к, 853, 846, 834, 835, 849, 847, 642к, 643, 644, 647, 655, 887, 881, 881а, 880, 1067, 1064, 1065, 1113, 1115, 1111, 1106, 1084,740, 729, 730, 736, 732, 733, 735, 713, 48, 58, 46,49, 52, 53, 54, 1152, 1155, 1157, 1158, 1235, 1239, 969к, 1003қ, 1003ак, 1418к, 1403к, 1403Кк, 1418к, 104к, 1418к, 335, 335а, 336, 336а, 336б, 619, 621к, 620, 335, 602, 337, 603, 344, 342к, 339, 594, 860к, 79, 75, 171к, 17а, 17, 17б, 20, 25б, 25а, 25, 26, 27, 27а, 37, 41, 41а, 41б, 32г, 45а, 61, 64, 67, 68, 69к, 534, 539, 535, 151, 152, 153, 154, 155, 543, 251, 250, 255, 272, 280, 281, 487, 488, 504, 492а, 486, 485, 357, 365, 367, 371, 372, 361, 375, 366, 369, 383, 382, 377, 515, 515а, 516а, 504, 119, 405, 405а, 405б, 401, 387, 404қ, 411, 295, 20, 11қ, 8, 36, 12, 33, 34қ, 416, 13, 14, 7, 6, 4, 141, 229қ, 300қ, 301, 304, 305, 346, 36743, 74, 66, 73, 75, 76, 69, 70, 71, 2, 72, 95қ, 96, 106, 632қ, 627, 633, 631қ, 623, 280, 297, 295, 295а, 291, 294, 292, 293, 283, 284, 285, 298, 301, 302, 298а, 304, 304, 305қ, 307ақ, 315қ, 21, 27, 28, 29, 57қ, 634, 640, 624, 367, 386, 387, 389, 370, 240, 239, 238, 662, 660қ, 657 (658), 739қ, 789а, 792қ, 793қ, 121, 121а.қ, 591, 592, 491, 450а, 450қ, 470қ, 413в.қ, 577қ, 150, 474қ, 413, 407г, 407а, 407б, 407, 407в, 708қ, 709, 871қ, 183, 184, 1051қ, 625қ, 114қ, 70, 71, 71а, 72, 33, 34, 80 ва 75-контурлардаги ўртача балл бонитети 40-49 бўлган, жами 65 та лойиҳа бўлиб, умумий ер майдони 2519,8 гектар, шундан асосий пахта ва ғаллачи-лик йўналиши бўйича 16 та лойиҳа, жами майдони 1062,3 гектар, асосий боғдорчилик йўналиши бўйича 7 та лойиҳа бўлиб, жами 218,4 гектар, асосий узумчилик йўналиши бўйича 1 та лойиҳа жами 8,9 гектар, асосий тутчилик йўналиши бўйича 1 та лойиҳа жами 5,2 гектар, асосий чорвачилик йўналиши бўйича 3 та лойиҳа бўлиб, жами 16,4 гектар, асосий паррандачилик йўналиши бўйича 1 та лойиҳа бўлиб, жами 2,0 гектар, асосий павловния етиштирши бўйича 2 та лойиҳа бўлиб, жами 8,2 гектар.

Бундан ташқари, пахта ва ғаллачилик йўналишида қўшимча ер майдонлари бўйича 33 та лойиҳа бўлиб, жами 1195,0 гектар, Боғдорчилик йўналишида қўшимча ер майдони 1та лойиҳа бўлиб, жами 3,4 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган ерлардан пахта ва ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, тутчилик, чорвачилик, паррандачилик, павлония етиштириш ҳамда бошқаларга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш ҳамда фаолият юритиб келаётган фермер хўжаликларга қўшимча ер майдонлари ажратиш учун **танлов эълон қилинсин.**

2.Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига фермер хўжалиги ташкил этиш учун ўтказиладиган танлов тўғрисида “Жарқўрғон” газетасига эълон бериш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларига осиб қўйиш вазифаси топширилсин.

3.Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси мазкур қарор эълон қилинган кундан сўнг бир ойдан кейин танлов ўтказилишини таъминласин.

4.Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилишни туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Хушназаров ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Ш.Тураповлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими З.Давлатов.
25.11.2020 й. Қ-1946.

Йўналиши	Лойиҳа №	Контур рақам	Умумий ер майдони	Шу жумладан: Экин ери	Боғзор	Узумзор	Тутзор	Бўз ерлар	Яйлов	Ариқлар ва зовурлар	Йўллар	Бошқа ерлар
		Асосий пахта-ғалла йўналишига										
			1.Сурхон массиви									
пахта-ғалла	1-лойиҳа	48қ, 53, 55, 62	43,88	43,35				0,00		0,47	0,06	0,00
пахта-ғалла	2-лойиҳа	337, 328, 324, 327, 331, 342қ	77,16	74,07				0,00		2,59	0,34	0,16
пахта-ғалла	3-лойиҳа	748, 748б, 749қ, 758қ, 764, 767, 768, 806қ	72,50	69,82				0,00		1,69	0,73	0,26
пахта-ғалла	4-лойиҳа	845, 848, 849 (850), 759	57,39	55,60				0,00		1,53	0,16	0,10
пахта-ғалла	5-лойиҳа	1058қ, 1058а, 1069, 1082, 1083	52,34	51,60				0,00		0,63	0,11	0,00
пахта-ғалла	6-лойиҳа	1001, 1016, 1016а, 1017, 1017ак,1234	53,54	52,04				0,00		0,95	0,53	0,02
пахта-ғалла	7-лойиҳа	1301, 1302, 1298, 1296	49,24	48,00				0,00		1,09	0,15	0,00
пахта-ғалла	8-лойиҳа	1296а, 1296б, 1296в,1277к, 1277а, 1276к, 1362	51,62	49,84				0,00		1,21	0,52	0,05
Жами	**8 та**	**Массив бўйича жами**	**457,67**	**444,32**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**10,16**	**2,60**	**0,59**
			2.Халқобод Мададкори массиви									
пахта-ғалла	9-лойиҳа	154, 155, 156, 157, 169к	56,6	50,6	0	0	3,1	0	0	1.9	1	0
пахта-ғалла	10-лойиҳа	82, 69, 67, 65, 62а, 84к	50,20	42,80	0,00	0,00	5,00	0,00	0,00	1,30	0,60	0,50
пахта-ғалла	11-лойиҳа	853,846,834,835,849,847,642к,643,644,647,655	150,20	134,30	0,00	0,00	3,30	2,00	0,90	2,80	0,90	6,00
Жами	**3 та**	**Массив бўйича жами**	**257,00**	**227,70**	**0,00**	**0,00**	**11,40**	**2,00**	**0,90**	**6,00**	**2,50**	**6,50**
			3. Т.Шобуров массиви									
пахта-ғалла	12-лойиҳа	1067,1064,1065,1113,1115,1111,1106,1084	84,6	62,3	0	0	0	1,2	8,9	2,5	0,2	9,5
пахта-ғалла	13-лойиҳа	740,729,730,736,732,733,735,713	68,20	54,40	0,00	0,00	0,00	7,20	3,50	2,60	0,50	0,00
Жами	**2 та**	**Массив бўйича жами**	**152,80**	**116,70**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**8,40**	**12,40**	**5,10**	**0,70**	**9,50**
			4. Оқтепа массиви									
пахта-ғалла	14-лойиха	48,58,46,49	68,7	66,8						1,0	0,4	0,5
пахта-ғалла	15-лойиҳа	52,53,54	48,4	47,1						1,0	0,3	
Жами	**2 та**	**Массив бўйича жами**	**117,1**	**113,9**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**2,0**	**0,7**	**0,5**
			5. Жарқўрғон массиви									
пахта-ғалла	16-лойиҳа	70,71,71а72,33,34,80	77,7	68,7			0,1			7,1	0,2	1,6
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**77,7**	**68,7**	**0,0**	**0,0**	**01,**	**0,0**	**0,0**	**7,1**	**0,2**	**1,6**
Жами	**16**	**Туманг бўйича жами**	**1062,3**	**971,3**	**0,0**	**0,0**	**11,5**	**10,4**	**13,3**	**30,4**	**6,7**	**18,7**
		ҚЎШИМЧА ПАХТА-ҒАЛЛА ЙЎНАЛИШИГА										
			1.СУРХОН МАССИВИ									
пахта-ғалла	1-лойиҳа	1152,1155,1157,1158	25,57	24,69				0,00		0,68	0,20	0,00
пахта-ғалла	2-лойиҳа	1235,1239,969к	17,96	17,50				0,00		0,31	0,15	0,00
пахта-ғалла	3-лойиҳа	1003к,1003а.к	18,70						18,4		0,30	
пахта-ғалла	4-лойиҳа	1418к,1403к	13,66	13,50						0,16		
пахта-ғалла	5-лойиҳа	1403,Кк,1418к	12,65	12,40						0,25		
пахта-ғалла	6-лойиҳа	104к,1418к	11,75	11,50						0,25		
Жами	**6**	**Массив бўйича жами**	**100,29**	**79,59**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**18,40**	**1,65**	**0,65**	**0,00**
			2. Оққўрғон массиви									
пахта-ғалла	7-лойиҳа	335,335а,336,336а,336б	36,03	33,13						1,43	0,25	1,22
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**36,03**	**33,13**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**1,43**	**0,25**	**1,22**
			3.Халкабод Мададкор массиви									
пахта-ғалла	9-лойиҳа	619,621к,620,335,602,337,603,344,342к,339,594	111,1	105,8	0	0	0	0	0	2,4	0,5	2,4
пахта-ғалла	10-лойиҳа	860к	10,10	10,00						0,10		
пахта-ғалла	11-лойиҳа	79,75	20,90	20,40						0,20	0,30	
пахта-ғалла	12-лойиҳа	171к	17,20	16,00						1,00	0,20	
пахта-ғалла	13-лойиҳа	17а,17,17б,20,25б,25а,25,26,27,27а,37,41,41а,41	91,90	79,30	4,00		2,30	3,00		2,50	0,70	0,10
Жами	**5**	**Массив бўйича жами**	**251,2**	**231,5**	**4**	**0**	**2,3**	**3**	**0**	**6,2**	**1,7**	**2,5**
			4. Ҳ.Олимжон массиви									
пахта-ғалла	14-лойиха	534,539,535	18,07	13,96						0,39	0,20	3,52
пахта-ғалла	15-лойиха	151,152,153,154,155	21,78	18,01	1,73			0,7		0,67	0,37	0,3
Жами	**2**	**Массив бўйича жами**	**39,85**	**31,97**	**1,73**	**0**	**0**	**0,7**	**0**	**1,06**	**0,57**	**3,82**
			5. Т.Шобуров массиви									
пахта-ғалла	16-лойиҳа	543,251,250,255,272,280,281,487,488,504,492а,4	77,04	70,44	0	0	2,2	0	0	1,5	0,8	2,1
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**77,04**	**70,44**	**0**	**0**	**2,2**	**0**	**0**	**1,5**	**0,8**	**2,1**
			6. Минор массиви									
пахта-ғалла	17-лойиха	357,365,367,371,372,361,375,366,369,383,382,3	106,9	94,8	0	0	8,5	0		2,1	0,3	1,2
пахта-ғалла	18-лойиҳа	515,515а,516а,504	17,7	16,85	0	0	0	0	0	0,7	0,15	
пахта-ғалла	19-лойиха	119	3,3	2,7						0,4		0,2
пахта-ғалла	20-лойиха	405,405а,405б,401,387,404к,411	43,7	36,6	0	0	0	0	0,4	2,2	0,4	4,1
пахта-ғалла	21-лойиҳа	295	10,5	10,2						0,2	0,1	
Жами	**5**	**Массив бўйича жами**	**182,1**	**161,2**	**0**	**0**	**8,5**	**0**	**0,4**	**5,6**	**1,0**	**5,5**
			7. Оқтепа массиви									
пахта-ғалла	22-лойиха	20,11к,8,36,12	49,4	47,4			0,7			0,8	0,5	
пахта-ғалла	23-лойиха	33,34к,416,13,14,7,6,4	43,6	42,6						0,8	0,2	
пахта-ғалла	24-лойиха	141	7,5	7,4						0,1		
пахта-ғалла	25-лойиҳа	229к,300к,301,304,305,346,36743,74,66,73,75,7	110,4	102,2			0,7			5,0	1,1	1,4
Жами	**4**	**Массив бўйича жами**	**210,9**	**199,6**	**0,0**	**0,0**	**1,4**	**0,0**	**0,0**	**6,7**	**1,8**	**1,4**
			8. Н.Боймуродов массиви									
пахта-ғалла	26-лойиха	95к,96,106	52,3	49,0	0,0	0,0	1,0	0,0	0,0	2,1	02	0,0
пахта-ғалла	27-лойиҳа	632к,627,633,631к,623	33,3	31,8	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	0,2	0,3
пахта-ғалла	28-лойиҳа	280,297,295,295а,291,294,292,293	37,3	23,7	0	0	4,6	0	0	1,0	5,3	2,7
пахта-ғалла	29-лойиҳа	283,284,285,298,301,302,298а,304,305к,307	52,1	35,7	0	0	0	2,7	4,0	2,9	0,2	6,6
пахта-ғалла	30-лойиҳа	21,27,28,29,57к	37,6	34,4						3,0		0,2
пахта-ғалла	31-лойиҳа	634,640,624	31,9	30,3						1,0	0,1	0,5
пахта-ғалла	32-лойиҳа	367,386,387,389,370	21,53	20,2						1,0	0,3	0,03
Жами	**7**	**Массив бўйича жами**	**266,0**	**225,1**	**0,0**	**0,0**	**5,6**	**2,7**	**4,0**	**12,0**	**6,3**	**10,3**
			9. Олтиндон Қўрғони массиви									
пахта-ғалла	33-лойиҳа	240,239,238	31,6	29,5			1,3			0,8		
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**31,6**	**29,5**	**0**	**0**	**1,3**	**0**	**0**	**0,8**	**0**	**0**
Жами туманда	**33**	**Туман бўйича жами**	**1195,0**	**1062,0**	**5,7**	**0,0**	**21,3**	**6,4**	**22,8**	**36,9**	**13,0**	**26,9**
		АСОСИЙ БОҒДОРЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА										
			1. Сурхон массиви									
Боғдорчилик	1-лойиҳа	662,660к,657, (658)	14,84	0,00				13,77		0,27	0,18	0,62
Боғдорчилик	2-лойиха	739к,789а,792к,793к	62,00					0,00	61,50	0,20	0,30	0,00
Жами	**2**	**Массив бўйича жами**	**76,84**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**13,77**	**61,50**	**0,47**	**0,48**	**0,62**
			2. Оққўрғон массиви									
Боғдорчилик	3-лойиҳа	121,121ак	14,22	11,43				2,00		0,67	0,12	0,00
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**14,22**	**11.43**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**2,00**	**0,00**	**0,67**	**0,12**	**0,00**
			3. Т.Шобуров массиви									
Боғдорчилик	4-лойиха	591,592	10,60					0,30	10,00	0,20	0,10	
Боғдорчилик	5-лойиҳа	491,450а,450к,470к,413в.к	25,60	10,00					14,00	1,40	0,20	
Боғдорчилик	6-лойиха	577к,150,474к	80,60						80,00		0,60	
Жами	**3**	**Массив бўйича жами**	**116,80**	**10,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,30**	**104,00**	**1,60**	**0,90**	**0,00**
			4. Минор массиви									
Боғдорчилик	7-лойиҳа	413,407г,407а,407б,407,407в	10,5	8,7					0,1	0,5	0,3	0,9
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**10,5**	**8,7**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,1**	**0,5**	**0,3**	**0,9**
Жами туманда	**7**	**Туман бўйича жами**	**218,36**	**30,13**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**16,07**	**165,60**	**3,24**	**1,80**	**1,52**
		ҚЎШИМЧА БОҒДОРЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА										
			1. Н.Боймуродов массиви									
Боғдорчилик	1-лойиҳа	75	3,40	3,00						0,20	0,10	0,10
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**3,40**	**3,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,20**	**0,10**	**0,10**
Жами туманда	**1**	**Туман бўйича жами**	**3,40**	**3,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,20**	**0,10**	**0,10**
		АСОСИЙ УЗУМЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА										
			1.Сурхон массиви									
Узумчилик	1-лойиха	708к,709	8,90	8,80				0,00		0,10	0,00	0,00
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**8,90**	**8,80**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,10**	**0,00**	**0,00**
Жами туманда	**1**	**Туман бўйича жами**	**8,90**	**8,80**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,10**	**0,00**	**0,00**
		АСОСИЙ ТУТЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА										
			1.Сурхон массиви									
Тутчилик	1-лойиҳа	871к	5,20	5,00				0,00		0,20	0,00	0,00
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**5,20**	**5,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,20**	**0,00**	**0,00**
Жами туманда	**1**	**Туман бўйича жами**	**5,20**	**5,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,20**	**0,00**	**0,00**
		АСОСИЙ ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА										
			1.Сурхон массиви									
Чорвачилик	1-лойиҳа	1166,1167,1168	5,10	3,80				0,00		0,40	0,01	0,89
жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**5,10**	**3,80**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,40**	**0,01**	**0,89**
			2.Олтиндон Қурғони массиви									
Чорвачилик	2-лойиха	183,184	6,70						6,40	0,20	0,10	
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**6,70**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**6,40**	**0,20**	**0,10**	**0,00**
			4. Т.Шобуров массиви									
Чорвачилик	3-лойиҳа	1051к	4,60	4,50						0,10		
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**4,60**	**4,50**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,10**	**0,00**	**0,00**
Жами туманда	**3**	**Туман бўйича жами**	**16,40**	**8,30**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**6,40**	**0,70**	**0.11**	**0,89**
		АСОСИЙ ПАРАНДАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА										
			4. Т.Шобуров массиви									
Парандачилик	1-лойиха	625к	2,00						2,00			
Жами	**1**	**Массив бўйича жами**	**2,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**2,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**
Жами туманда	**7**	**Туман бўйича жами**	**2,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**2,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**
		АСОСИЙ ПОБЛОНИЯ ДАРАХТ ЕТИШТИРИШ ЙЎНАЛИШИГА										
			5. Минор массиви									
Боғдорчилик	1-лойиха	114к	5,1						5		0,1	
Боғдорчилик	2-лойиха	114к	3,1						3		0,1	
Жами	**2**	**Массив бўйича жами**	**8,2**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**8,0**	**0,0**	**0,2**	**0,0**
Жами туманда	**1**	**Туман бўйича жами**	**8,2**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**8,0**	**0,0**	**0,2**	**0,0**
Жами туманда	**1**	**Туман бўйича ҳаммаси**	**2519,8**	**2088,5**	**5,7**	**0,0**	**32,8**	**32,9**	**218,1**	**71,7**	**21,9**	**48,1**

МЕН - ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!

Дил изҳори

«Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб бўлди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг улуг аём - Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригидан

Отам Ўзбекистон Республикасида тугилган бўлсаларда тақдирнинг ҳукми билан қўшни Тожикистоннинг Колхозобод туманига кўчиб бориб қолган минглаб оилалардан бирининг соҳиби эдилар. «Инсоннинг насибаси қаерга сочилган бўлса, ўша ернинг одами бўлиб қолармикин-а», дерди отам баъзида тасодифан. У гарчи бу юртда фарогат топиб, ўғил-қиз ўстириб, кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат инсон эрсалар-да, гоҳо кўнгли қўним топмай она юртини, бахтли болалиги кечган гўшаларни чин дилдан қумсаётганини аммо нимадандир истиҳола қилиб биз фарзандларига ёрилмаётганини мен ўрта мактабни битириш арафасида сезгандай бўлдим. Кўплаб синфдошларим қатори мен ҳам мактабни тугатгач олий таълим даргоҳларидан бирида ўқиш орзусида эдим. Тенгдошларимнинг аксарияти ўша пайтлари тоза ва мусаффо, об-ҳавоси билан донг таратган сўлим ва навқирон Душанбе шаҳридаги турли хил олий ўқув билимларига хужжат топширишга шай туришарди. Кофарниҳон дарёси сўл қиргоқларида жойлашган бу мўъжаз пойтахт-шаҳар билан қишлоғимиз ораси ҳам яқин автомобилда борйўғи уч соатлик йўл эди холос. Мен ҳам сафар тадоригини кўраётган кунларимнинг бирида отам менинг, оиламиз аъзоларининг барчасининг равишларига қарши ўлароқ, бир фикрни ўртага ташлади. Мен ўқишни Ўзбекистонда Тошкентдай шаҳри азимда давом эттиришим лозимлиги уқтирилган бу янгилик «ота рози, худо рози» қабилидаги ризолик билан барчамиз томонидан маъқулланди. Отам кўпни кўрган валийнеъмат бир инсон эканини йиллар ўтиб аниқ фаҳмладим. Бу суҳбат 1980 йил ўрталаридан бўлиб ўтган бўлса, орадан ўн йил ўтиб Тожикистонда фуқаролик уриши бошланиб кетди. Ён-атрофимизда истиқомат қилувчи этник ўзбеклар бу беъмани урушга бош қўшишмади. Шунинг учун бир халқнинг икки жўғрофий нуқталарида яшовчи мухолиф тўдаларнинг ҳеч бири бизга зиён етказмади. Аммо, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деганларидек, бу бир катта мамлакат бўлса, бу урушнинг оқибати кўпга чузилишини тахмин қилганлар кўч-кўронини ортиб азалий макони ота-оналари юртига қайта бошладилар. Бу орада мен Термиздаги педагогика институтининг она тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлаган эдим. Кўпга келган тўй, биз ҳам оиламиз билан вилоятимизнинг Жарқўрғон туманини манзил тутдик. Ўзбекистонда олий маълумот соҳиби бўлганим иш бериб, туман мактабларида ўқитувчилик қила бошладим. Тез орада бизга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини беришди. Аммо ниятимиз Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролигини олиш эди. Орзуимиз амалга ошди. Яқинда, бутун оила аъзоларимиз билан биргаликда Ўзбекистон фуқароси бўлдим. Яратганга шукр, ҳукуматимизга таҳсинлар, хусусан, Муҳтарам Президентимизга минг раҳмат, энди мен ҳам отабоболарим юртининг тўлақонли аъзосиман.

Норқул ТУРСУНОВ,
тумандаги 48-умум ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

МАҲАЛЛАМ-УЙИМ

Туманимизда 66 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Уларнинг ҳар бирида минглаб тумандошларимиз аҳил, иноқликда истиқомат қиладилар. Бизнинг «Хўжақишлоқ» маҳалламиз ҳам шулар жумласидандир. Маҳалламизда 460 та хонадонда 2810 нафар аҳоли истиқомат қилади. 16 та хонадон «Темир дафтар»га киритилган. Аҳоли асосан деҳқончилик билан шугулланади. Қайси хонадонга бош суқманг, қизғин меҳнат жараёнининг устидан чиқасиз. Кимдир деҳқончилик қилади, яна кимдир эса чорвачилик, паррандачилик билан машғул. Шундай оилалар ҳам борки, «иссиқхона» қуриб, даромад олиб, фаровон ҳаёт қурмоқдалар. Маҳалламизда, шунингдек, «ўн қўли-ўн ҳунарли» хотин-қизлар сафи ҳам анчайин кенг. Уларга 70 ёшни қаршилаётган ярим асрлик иш ва ҳаёт тажрибасига эга Салима онамиз бош-қош бўлиб, ҳунар ўргатмоқдалар. «Тадбиркор-юртга мададкор», дейди доно халқимиз. Маҳалламизда қад ростлаган «Ситорахон» савдо маркази «Хўжақишлоқ» маҳалласига кўрк бағишлаш билан бирга 10 нафарга яқин маҳалладошларимизнинг бандлиги ҳам таъминланди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт турларига кенг жалб этиш мақсадида 23-сонли мактабда спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Тажрибали устоз Шаҳбоз Шайдуллаев ўқувчилар билан спортнинг «Ушу санда» тури сирларини ўртоқлашмоқда. Шогирдлари орасида туман, вилоят ҳамда Республика турнирлари ғолибларининг борлиги нафақат Ш.Шайдуллаевнинг балки маҳалламиз аҳлини ҳам қувонтиради.

Айтаверсак, янгиликлар кўп. Энг муҳими эса маҳалламиз кун сайин кўркамлашиб, обод манзилга айланмоқда.

Дилноза КАРИМОВА,
«Хўжақишлоқ» МФЙ.

Биласизми?

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистонда Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш консепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5655-сон Фармонида алоҳида банд сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Бу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 710-сонли қарори чиқарилди. Мазкур қарорга асосан аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2023 йилда амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олиш-бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги «фотосурати»ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг кўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Шунингдек, қатор ҳолатларда аҳолини рўйхатга олиш-аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тассаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича алоҳида ишлар жалб этилган пудрат ташкилотлари томонидан маҳсулотлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича ўтказилган танлов асосида бажарилади, яъни: аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш; картографик материалларни чоп этиш; рўйхатга олиш материалларини ташиш; технологик-лойиҳа ишларини ўтказиш ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш; рўйхатга олиш варақалари маълумотларини киритиш, автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш ва бошқалар.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашиши учун зарур ҳолларда қўшимча равишда бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар жалб этилиши мумкин.

Э.ХУШБАҚОВ,
Жарқўрғон тумани Статистика бўлими бошлиғи.

Қарор ва ижро

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

2020 йилнинг 3 сентябр куни Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини бермоқда.

Сурхондарё вилоят судлари раислари ҳамда судъялари Президентимизнинг ушбу қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, судларга мурожаат қилувчи фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг вақти ҳамда маблагини бекорга сарфланишини олдини олиш мақсадида, вилоят, туман (шаҳар) халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда, видеоконференцалоқа режимида ҳафтанинг шанба куни шахсий қабуллар ўтказиб келишмоқда.

Жорий йилнинг 5 декабрь куни қабулларда Узун, Сариосиё, Денов, Бойсун туман фуқаролари қатнашган бўлсалар, 19 декабрь куни вилоятимизнинг Шеробод, Музработ, Қизириқ, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон туман фуқаролари судларга оид масалалар юзасидан ўз мурожаатларини ўзлари жойлашган ҳудуддаги халқ қабулхоналаридан туриб тақдим этдилар.

Ушбу қабулларда жами 34 нафар фуқаронинг мурожаатлари тингланиб, уларга суд қарорларига нисбатан шикоят қилиш тартиби, шикоят бериш ҳуқуқига эга шахслар тоифаси ҳамда судлар фаолиятига оид бошқа ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, қабулларда ёзма равишда мурожаат қилган фуқароларнинг ариза ва шикоятлари халқ қабулхоналари орқали қабул қилиниб, назоратга олинди.

Сурхондарё вилоят судлари бундан кейин ҳам замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, бу каби масофавий қабулларни доимий тарзда ташкиллаштириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Х.ҚУДРАТОВ,
ЖИБ Сурхондарё вилоят суди раиси.
Я.БЕККАМОВ,
ЖИБ Жарқўрғон туман суди раиси.

НАСИЯНИ ЎҒРИГА ЧИҚАРГАН(МИ?)

Жиноятга жазо муқаррар

Ота-боболаримиздан қолган гап бу. Насиядан ёлғоннинг ҳиди уфуриб туради. Ростга ўхшайди. Йўқса, Термиз тумани «Орол» маҳалласида яшовчи Ҳамидов Тоғаймурод (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг 2019 йилнинг ноябр ойида Ангор тумани «Улуғбек» МФЙ фуқароси Донаев Ёдгорни сохта тандир гўшти тайёрлайдиган ошхонаси учун 31 бош қўйни 60 000 000 сўм эвазига, Ангор тумани «Навбаҳор» МФЙда рўйхатда турувчи Тожиев Бахтиёрнинг 1 бош ҳўкизини, 1 бош болали сигири ҳамда 9 бош қўйларини олди-сотди муносабатлари орқали ва яна бир ангорлик Оқилов Фахриддиннинг ишончини қозониб уй қурилиши учун сақлаб ўтирган 3 бош соғин сигирини 19 800 000 сўмга насия баҳолаб ушбу жониворларнинг пулини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборармиди?

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-модда ЖКнинг «б» бандида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир этгани учун, албатта, насияхўр Т.Ҳайитов қилмишига яраша жазо олди, лекин фуқароларнинг насия савдоси қонунда кўрсатилгандек гувоҳлар ва давлат нотариал идоралари орқали белгилаб олсалар, юқоридаги ҳолатлардаги каби панд ейишлари камаярмиди?

Ш.ШОМУРОДОВ,
Ангор тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими бошлиғи.

Огоҳ бўлинг

ДИН НИҚОБИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДААР

Мустақиллик шарофати билан юртимизда диний ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди, шу йиллар давомида қатор соҳаларда ислоҳатлар амалга оширилиб, юксак натижаларга эришилди.

Сўнгги вақтларда дунё миқёсида ва минтақамизда юз бераётган воқеа ҳодисалар барчамизнинг диккатимизни тортмасдан қўймайди.

Жумладан, ҳозирги кунда Яқин Шарқ минтақаси, хусусан, Сурия, Ироқ ва қўшни Афғонистон давлатларида фаолият олиб бораётган террористик ва диний экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилаётган турли қўпорувчилик ҳаракатлари оддий тинч аҳолининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда дунё бўйлаб диний-эстремистик ва террорчилик ташилотлари фаоллашгани кузатилмоқда. Улар ўзларини турли исломий номлар билан атаб, диний шиорларни байроқ қилиб оладилар-у, лекин қилаётган ишлари динимиз таълимотига зид. Айниқса, ғоялар кураши авж олган 21 асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаётгани, кишининг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг кун сайин пайдо бўлаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда.

Ушбу масалаларга тўхталиб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2014 йил 31 августда "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида ўтказилган маросимда уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбат чогида таъкидлаганларидек, «Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаблар ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар бегуноҳ одамларни қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди»

Дарҳақиқат, бундай ҳолатлар айниқса, ҳозирги кунда бутун дунёга таҳдид солаётган «Ироқ ва Шом ислом давлати» мисолида ўз аксини топмоқда. Яқин шарқдаги бир неча террорчилик ташкилотларини бирлаштирган ташкилот 2006 йил 15 октябрда «Ироқ ислом давлати» номи остида Ироқда тузилган. БМТ хавфсизлик кенгаши маълумотига кўра, дунёдаги энг хавфли ҳисобланган «ал-қоида» ташкилоти фаолиятининг камайиши ундан-да кучлироқ террорчилик ташкилотлари, хусусан «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг пайдо бўлишига олиб келган. «Ислом халифалиги»ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга тадбиқ этишни ўзининг бош мақсади сифатида белгилаб олган мазкур ташкилот Ироқ, Сурия мамлакатлари негизида сунний мусулмонларнинг ягона давлати «халифалик»ни барпо этиб, босқичма-босқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари, кейинчалик Ўрта Осиёнинг бир қисми ҳисобига кенгайтиришни режалаштирган.

Сурияда кечаётган можароларга мустақил армия сифатида келиб қўшилгандан сўнг, 2013 йил 9 апрелдан бошлаб ташкилот «Ироқ ва Шом ислом давлати» деб номланади. 2014 йил 29 июнда ташкилот рахбарлари томонидан Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида ҳалифалик тузилгани эълон қилинди. Кейинчалик, «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади.

Ҳозирги кунда «Ироқ ва Шом ислом давлати» томонидан бошқарув ўрнатилган ҳудудларда на исломий ва на инсоний тамойилларга тўғри келадиган қонунлар жорий қилинмоқда.

«Ироқ ва Шом ислом давлати» ақидасига кўра, дунёвий-маърифий йўлни тутган мусулмон давлатлар тузум шаклларини куфр деб эълон қилган. Ушбу террорчилик ташкилот гарчи оғизда «гуноҳкор кишини кофирга чиқармаймиз», «қибла аҳлини кофирга чиқармаймиз» дейишса-да, ўз ақидаларини бир қатор бандларида истиснолар қилиб, гуноҳкор кишига «ширк», «куфр», «сеҳргар», босқинчига ёрдам берувчи» тамғаларини босиб, кофир деб эълон қилиб, уни қатл этишни ҳалол ҳисоблайди. Яна мусулмон олимларидан куфрга хизмат қиладиганларни дин аҳли деб ҳисобламасликларини айтадилар. Бу ҳам уларга қарши ҳар қандай раддия берган олимни куфр ва шайтон аҳли деб атаб, сўнг уни қатл этишни ҳалоллаш демакдир. Бу эса Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилган: «Мусулмон киши ҳаром қонга тегмагунига (яъни бирор кишининг қонини нохақ тўмагунига) қадар ўз динида бўлур" ҳадисига (Бухорий ривояти) зиддир.

Ушбу қарашларнинг барчаси ислом динининг ҳақиқатини билмаслик, унинг матнларини зохиран, юзаки тушуниш, мазмун моҳиятини чуқур англамасдан ҳукм чиқариш ва ўз йўналишига мослаб шарҳлашга асосланади. Жумладан, улар эълон қилган "ширк кўринишларини, унга олиб борувчи воситаларни йўқ қилиш" ғояси ҳозирда мусулмон оламида ширк мавжуд деган қараш бўлиб, мақбараларни бузиш, қадимий ёдгорликларни ташкил этувчи ҳайкаллар, археологик топилмаларни йўқ қилишга қаратилади. «ИШИД» террорчилик гуруҳи томонидан 2015 йилнинг март ойида Ироқнинг Ал-Хамдания шаҳрида жойлашган бинолар мажмуасини талон-тарож қилгани, сўнги роҳибхона ҳудудида ўрнатилган портловчи қурилмани ҳаракатга келтиргани бунинг ёрқин исботидир. Маъмумот ўрнида шуни таъкидлаб ўтишни истардикки, ал-Хамданиядаги роҳибхона жуда қадимий ёдгорлик бўлиб, 4-асрда Осурия шоҳи Синакхериб томонидан қурилган эди. Бундан олдинроқ шу каби фикрда бўлган Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатининг Будда ҳайкалини ҳам портлатиб юборганлигини ҳам мисол қилиш мумкин. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳайкаллар, одам суратларини ширкини билдирмайди, балки уларга маданий-тарихий ёдгорлик сифатида қаралади.

Ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоалар тузиш мазкур ташкилотнинг асосий вазифасига айланган. Айниқса, ёшлар орасида мутассибликка йўғрилган бундай форумларнинг оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи «фатво»ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Шунинг билан бирга, христиан дини вакилларини «зиммий» ҳукмида ҳисоблаб, улардан «жизя» солиқини мажбурлаб ундириш, уларга хоч осиб юрмаслик, ибодат вақтида овоз кучайтиргичлардан фойдаланмаслик каби таъқиқлар ҳам белгилаб қўйилган. Диний тоқатсизлик, аёллар ва болаларни ҳуқуқларининг поймол этилиши, тараққиёт ютуқларидан юз ўгириш, оддий инсонлар ҳаётига тажовуз қилиш авжига чиқмоқда.

Тахминларга кўра, «Ироқ ва Шом ислом давлати» сафида урушаётган жангариларнинг 40 фоизини 80 дан ортиқ хориж давлатларидан келган йигитлар ташкил этади. Минг афсуски, улар орасида Марказий Осиё Республикаси фуқаролари бўлган жангарилар ҳам бор. Гуруҳ раҳбарлари юқорида қайд этилганидек, Қуръон оятлари ва ҳадислари ўз раъйларича талқин қилиб, бугунги кунда, «хижрат» қилиш ва «жиҳод» тушунчаларини илгари суриб, ҳарбий тўқнашувлар ўчоғларига одамларни жалб қилмоқдалар. Бунинг натижасида ташкилот томонидан 2014-2015 йиллар мобайнида ўн мингдан зиёд террорчилик ҳаракатлари содир этилган, худкуш террорчилар томонидан 80 га яқин портлашлар амалга оширилган. Сурия «Ироқ ва Шом ислом давлати» жангарилари 60 дан зиёд черков ва роҳибхоналарни вайрон қилган.

2014 йил 14 июн куни Ироқнинг Мосул шаҳридаги «Ал-Исро» масжиди ёнида ташкилотга қўшилишдан бош тортган 12 нафар диний уламо намойишкорона қатл этилган. Ваҳоланки, Қуръони каримда бегуноҳ одамларнинг жонига қасд қилиш қораланиб, жумладан, «Нисо» сурасининг 93-оятида шундай марҳамат қилади: «Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга азобни тайёрлаб қўйгай».

Бутун дунё мусулмон уламолари «Ироқ ва Шом ислом давлати» фаолиятини танқид қилиб, ҳаракат томонидан эълон қилинган халифалик тан олмаслигини, у ислом таълимотларига зид эканини таъкидламоқдалар. Бундай манфур оқимларнинг асл мақсади дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этиш, жамиятга ҳар томонлама зарар етказиш орқали кишилар, айниқса ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айримчалик кайфиятларини шакллантиришдир. Демак, Яратганнинг энг буюк неъмати, биз яшаб турган оламнинг энг ажойиб мўъжизаси бўлмиш ИНСОН ҳаётига тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай кўринишдаги тахдидлар катта гуноҳ экан, ҳар бир киши бу неъматни асраб-авайлаши, унга ҳиёнат қилмаслиги лозим бўлади.

Бунунги кунда сўнгги йилларда шакилланган ва ўзларини "Ислом давлати" деб эълон қилган жангариларга қарши РФ томонидан қақшатгич авиа зарбалари берилаётган бир шароитда жангарилар томонидан дунёнинг бошқа давлатларида, хусусан, Франция ва Туркия давлатларида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларида ҳам кўплаб фуқаролар, бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди.

Ф.АЛЛАБЕРДИЕВ,
С.ЧОРИЕВ,
Жарқўрғон тумани ТЭҚКГ ходимлари.

ТУМАНДА «ЁШААР ФЕСТИВАЛИ»

Жорий йил ниҳоясида бутун мамлакатимиз бўйлаб "Ёшлар фестивали" бўлиб ўтмоқда. Жумладан туманимизда ҳам. Фестивал доирасида журналист ва блогерлар иштирокида "Матбуот анжумани", ўз касбида юқори натижаларга эришган туман-дошларимиз билан ҳамкорликда "Мувaффақиятга эришиш сирлари" учрашуви, туман Маданият бўлими истеъдодли ёшлари ўртасида "Бахшичилик ва мақом" кечалари, ҳарбий қисмларда "Ҳарбий-ўқув намойишлари ва ҳарбий техникалар кўргазмаси"ни ташкил этиш, спортчи ёшлар ўртасида "Кибер спорт" мусобақалари, умумтаълим мактабларида таълим олаётган, журналистикага қизиқувчи йигит-қизлар иштирокида "Замонавий журналистика бўйича мастер класс", шунингдек, "Сектор раҳбарлари ва ёшлар учрашуви", "Ёш тадбиркорларнинг имконият лойиҳаси", "Кўча спорти (Street workout)" мусобақаси, "Мунозара" турнири, уюшмаган ёшлар ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйинлари, ёш ижодкорлар ўртасида "Шеърият ва ижод кечаси", "Менинг касбим" лойиҳаси "Мангуберди ёшлари" клубини ташкил этиш, ёш оилалар ўртасида "Китобхон оила", ёш тикувчиларнинг "Модалар фестивали" ва яна бир қатор турли тадбирлар ўтказилди. Фестивал ҳафталиги якунида галаконцерт ўтказилиши ҳамда бир гуруҳ фаол ва иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросимини кўтаринки руҳда ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Фестивал доирасидаги барча тадбирлар Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман Халқ таълими бўлими ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди ҳамда ўтказилаётган тадбирларнинг барчасида жами 10 минг нафарга яқин тумандош ёшлар қамраб олинди

Суҳроб МУРОДОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими раҳбари ўринбосари.

САНЪАТИМ-САОДАТИМ

Куни кеча туман Маданият бўлими тасарруфидаги барча маданият марказлари қошида фаолият юритаётган ижодий тўгаракларнинг истеъдодли иштирокчилари ўртасида «Санъатим-саодатим» шиори остида кўрик-танлов ташкил этилди. Мазкур танловда «Рақс», «Ашула», «Доира», «Карнай-сурнай», «Фольклор», «Китобхонлик», «Эстрада», «Бахшичилик», «Ғижжак», «Театр», «Сухандонлик», «Миллий эстрада» сингари йўналишларда иштирокчилар ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Ҳар бир чиқиш ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона баҳолаб борилди. Иштирокчиларнинг чиқишлари, саҳна либослари, ижро, танланган асарлар барчаси эътиборга олинган ҳолда баҳоланди. Дарҳақиқат, ҳар бир ижро ва кўриниш ўзига хос тарзда ўтди. Айни ушбу жараёнларда фидойи устозлар меҳнатига ҳамда кўрилган пухта тайёргарликларга гувоҳ бўлдик.

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ижодий жамоалар санъатини чукур ўрганиш, янада ривожлантириш, соҳада ижодий тўгаракларнинг ўзига хос услублари «Устоз-шогирд» анъаналари давомийлигини таъминлашдир. Эндиликда ушбу кўрик-танловни доимий равишда ўтказиш мақсад қилинган.

Кўрик-танлов якунида ғолиб жамоаларга туман Маданият бўлимининг «Фахрий ёрлиқ» ва эсдалик совғалари топширилди.

Й.АЛЛАМУРОДОВ,
туман Маданият ишлари бўлими мудири.

ИАМИЙ-АМААИЙ СЕМИНАР

2 декабр куни тумандаги 61-сонли мактабда «Бошланғич таълим йўналиши бўйича синфлар ва фанлар кесимида ўқувчиларнинг билим кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган интерфаол методларни яратиш» мавзусидаги вилоят илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинарнинг очилиш маросимида ўқувчиларнинг турли чиқишлари намойиш этилди. Куй-қўшиқлар ижроси тингланди. Шундан сўнг семинар бошланиб, унда 1-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари С.Морозова, Н.Перматоваларнинг ҳамда 43-сонли мактаб ўқитувчиси Н.Туропова, 51-сонли мактаб ўқитувчиси Н.Жабборовларнинг маҳорат дарслари ўтказилди. Ушбу дарсларда тумандаги барча умумтаълим мактабларидан устозлар иштирок этиб, ўзаро фикр алмашдилар, янгиликлардан бохабар бўлдилар. Дарҳақиқат, мактаб таълимида бошланғич синфларнинг ўзига хос ўрни бор. Зеро, айни ушбу жараён ўқувчи ёшлар онгида ўчмас из қолдиради. Демак, бу каби семинарлар таълим жараёнида ўзига хос аҳамиятга эга.

Соҳиба МЕНГАТОВА.

КАСБИМ-ФАХРИМ

19 декабр куни бизнинг 31-сонли мактабда «Касбим-фахрим» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ҳарбий хизматчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳаллада нафақага чиққан нуронийлар, мактабнинг ўқитувчилари ва бошқа соҳа ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир жуда қизиқарли, савол-жавоблар асосида мазмунли ўтди. Энг муҳими, мактаб ўқувчиларининг турли касбларга бўлган қизиқишлари ортишига эришилди.

Д.ХУДОЙҚУЛОВА,
П.ҚАЛАНДАРОВ,
31-мактабнинг амалиёт психологлари.

БАНКА ИЧИДАГИ ЗАҲАР:

Яқинларингиз ҳаётини хавф остига қўйманг!

Ботулизм ўзи нима?

Ботулизм касаллиги айрим ҳолларда ўлим билан тугайдиган, оғир турдаги овқатдан заҳарланиш бўлиб, уй шароитида тайёрланган помидор, бодринг, бақлажон икраси ва бошқа консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида юзага келади.

Касалликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Касалликнинг споралари ўлиши учун +120 даражали ҳарорат бўлиши керак. Бундан ташқари, 2,5 атмосферадан юқори босимда стерилланиши керак. Споралар банкаларга тушиб қолса, улар ўз қобиғидан чиқиб кўпаяди ва ўзидан токсин ишлаб чиқаради. Буни истеъмол қилган одам ботулизм касалига чалиниши мумкин. Шу сабабли биз уй шароитида консерва тайёрламасликни тавсия этамиз. Албатта, шунча одам уйда тайёрлаяпти-ку дейишингиз мумкин. Ҳа, лекин бу миллиондан битта ҳолатда учраса ҳам бир инсон учун аянчли оқибатларга сабаб бўлади.

Вақтида ёрдам берилса-чи?

Касаллик юзага келиб, у марказий нерв тизими нейронларини фалажлайди. Касалликка зудлик билан даъво чоралари кўрилмаса, у ўлим билан тугаши мумкин. Касалликни яширин, яъни инкубацион даври 14 кунни ташкил этади.

Энг ачинарлиси...

Бу касалликни ўз қўлларимиз билан келтириб чиқарамиз ва ўз қўлларимиз билан яқинларимизни заҳарлаймиз! Бу касаллик қўзғатувчиси ҳеч бир дезинфекцион моддаларга ўлмайди, фақат ишқорли, кислотали муҳитда ўсишдан тўхташи мумкин. Буни ўлдириш учун термик ишловни кучайтириш лозим.

Заҳарланиш белгилари қандай?

Ҳолсизланиш, кўнгил айниши, қайт қилиш, оғиз қуриши, кўришнинг хиралашиши, буюмларнинг иккитадан кўриниши, кўз қовоғининг осилиши, овоз бўғилиши.

Ботулизмга чалинмаслик учун...

Уй шароитида помидор, бодринг, бақлажон икралари каби консерва маҳсулотларини тайёрламаслик; Белгиланмаган жойлар, кўча-кўйларда сотилаётган консерва маҳсулотларини харид қилмаслик; Дўконлардан консерва маҳсулотларини харид қилиш жараёнида маҳсулот ёрлиғи ва унда келтириб ўтилган ишлаб чиқарувчи корхона номи, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддатига алоҳида эътибор бериш;

Ҳар қандай консерва маҳсулотларини очишдан олдин уни чайқамасдан яхшилаб кўздан кечириш, қопқоғи кўтарилмаганлигига, суюқлигининг тиниқлигига ва маҳсулотнинг эзилмаганлигига эътиборли бўлиш лозим.

Ёдда тутинг!

Ботулизм касаллигини даволаш ҳамда асоратларининг олдини олишнинг ягона йўли шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиш. Беморни уй шароитида ўзбошимчалик билан даволаш оғир асоратларга, ҳаттоки ўлимга олиб келиши мумкин. Шу сабабли касаллик белгилари кузатилса, зудлик билан шифохонага мурожаат қилиш лозим.

Х.МУХАММАДИЕВ,
Жарқўрғон туман ФВБ ФВДТ ва ФМ фаолиятини ташкиллаштириш, хавфсизлик тарғиботи бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант.
Ф.ТУЛЯЕВ,
Жарқўрғон туман ФВБ ПНБ инспектори, катта лейтенант.

ХАНДАЛАР

Эшик тақиллабди:

-Кечирасиз, сизга янги чиққан оқ ва қора ранглардаги кўйлакларимизни таклиф қилмоқчиман. Сотиб олинг, зарар қилмайсиз.

-Йўқ, раҳмат, шарт эмас.

-Мана бу оқ кўйлакни қаранг, кийиб маза қиласиз.

-Керак эмас дедим сизга!

-Аммо бир ўйлаб кўринг.

-Агар яна бир марта шу ҳақда гапирсангиз, зинадан улоқтириб юбораман.

-Бу кўйлакни киймабсиз, бу дунёга келмабсиз...

Уй эгаси кўйлакфурушни зинадан улоқтириб юборибди. У бетон устига тушиб, анча вақт ҳаракатсиз ётибди. Кейин бир амаллаб ўрнидан турибди ва юзларини артиб, яна зинадан кўтарилиб эшикни тақиллатибди.

-Оқ кўйлак бўйича фикрингиз тушунарли, энди қора кўйлак тўғрисида гаплашсак...-дер эмиш.

* * *

Йўл патрул хизмати (ДАН) машинаси ресторан ёнида навбатчилик қилиб турса, ресторандан уч киши маст ҳолатда чиқиб келиб, ҳар бири ўзларининг машинасига ўтиришибди. Бир пайт қарашса уларнинг орасида битта маст эркак умуман оёқда тура олмайдиган аҳволда рулда ўтириб машинани бошқариб кетибди. ДАН ходими ўша машина орқасидан қувлаб кетибди. ДАН ходими «Дарҳол автомашинани тўхтатинг!» деб, тўхтатиб қараса машинадан умуман ичмаган, хушёр ҳолда ҳайдовчи тушиб келибди. Буни кўрган инспектор ҳайрон бўлиб:

-Ахир қанақасига? -сиз ғирт маст эдингизку? -деса. Ҳайдовчи кулиб:

-Бугун ДАННи чалғитиш навбати менга келган эдида! -дер эмиш.

* * *

Юз ёшга кирган кампир ўзини даволовчи врачга деди:

-Эҳ, Султонбой, сизга шу қадар ўрганиб қолган эдим...

Мабодо... ўлиб-нетиб қолсангиз, мени ким даволар экан-а?...

Тўпловчи: А.ТЎХТАЕВ.

ПОМИДОР ЖИГАРРАНГ БУЖМАЙИШ ВИРУС КАСАААИГИ

Ўсимликлар карантини

Бу вирусли касаллик биринчи марта 2015 йилда Иордания ва Исроилда қайд этилган. Помидор ва қалампирга асосан зарар етказади. Вирус Тобамовирус турига мансуб, жуда тез тарқалиш хусусиятига эга. Вирус ўсимлик баргларида мозаикаларни ҳосил қилади, барглар ўз ҳолатини ўзгартиради, меваларда жигарранг, ажинли доғлар пайдо бўлади, мевалар рангсизланади, барглар деформацияланади.

Помидор жигарранг вирус касаллиги Исроил ва Иорданиядан бошқа Европа мамлакатларига ҳам тарқала бошлади. Германиянинг 25 та иссиқхона майдонларида 2018 йил июл ойида аниқланди. 2019 йилда касаллик Италияда, 2019 йили Пиемонте минтақасида помидор экинларида пайдо бўлди ва ушбу эпифитопия йўқ қилинди. Калифорния штатида касаллик 2018 йилнинг кузида аниқланди ва озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан йўқ қилинди. Касаллик аломатлари помидор навига қараб енгил ва оғир бўлиши мумкин. Касалликнинг енгил кўринишида мозаикалар ҳосил бўлади, барглар ранги ўзгаради. Касалликнинг оғир кўринишида эса меваларда жигарранг ажин ва доғлар ҳосил бўлиши баробарида меваларнинг сарғайиб кетиши ҳамда барглар ҳолати ўзгариши мумкин.

Касаллик уруғлари, вирус билан ифлосланган асбоблар, кийимлар, механик воситалар орқали тарқалади. Чангланиш вақтида ҳам тарқалиши мумкин. Жигарранг вирус касаллигига чидамли помидор навлари шу кунгача аниқланмаган. ToBRFV вируси помидорга юқори даражада зарар келтириши туфайли помидор етиштирувчи Германия ва бошқа Европа иттифоқи давлатлари учун катта иқтисодий зарар келтиради.

Вирус механик воситалар орқали осонлик билан юқиши сабабли ҳар хил сиртларда, узоқ вақт-терида ва қўлқопда камида 2 соат, қаттиқ пластмассада камида 3 соат, шиша, алюминий ва зангламайдиган пўлатда камида 1 ой сақланади. Эпифитопия аниқланганда, таъсири камайтирганлиги сабабли иссиқхоналарда тозалаш, ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, иссиқхона сиртларини ва помидор етиштириш сиртларини ва помидор етиштириш учун ишлатилган иш қуролларини зарарсизлантириш чоралари кўрилади. Вирусни йўқ қилиш учун пластик идишлар 90 даража ҳароратда 5 дақиқа давомида ивитилади.

Б.АШУРОВ, М.АБДУМУРОДОВ,
Ўсимликлар карантини Жарқўрғон инспекторлари.
Ў.САИДОВ, Ф.ТИЛОВОВ, Ю.ТОШБОЛТАЕВ,
Жарқўрғон ТИФ инспекторлари.

RB

СУЮНЧИСИ БОР!

Ибрагимов Тўлқин Абдизоировичнинг фуқаролик паспорти ҳамда қизи Жуммаева Динара Тўлқин қизининг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси ва Ибрагимов Тўлқин Абдизоировични нафақа тамғаси Жарқўрғон тумани ҳудудида тушиб қолдирилган, топиб олганлар ушбу 99-073-54-89, 99-063-84-21 телефон рақамларига қўнғироқ қилишлари сўралади.

1996 йилда 15-сонли умумтаълим мактабидан Хуррамова Хафиза Атакуловнага берилган № 100850 рақамли аттестат йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Жарқўрғон туманида фаолият юритувчи «AGROVET urug' tomorqa xizmatlari» оилавий корхонаси масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) шаклига ўтказилмоқда.

Хурматли юртдошлар!

Жарқўрғон туманида тадбиркорлик фаолиятингизни бошлашни ёки кенгайтиришни истайсизми?!

Унда Жарқўрғон туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган кичик саноат зонасида фаолият юритишга таклиф этамиз.

Туманда ташкил этилган кичик саноат зонасида фаолият юритиш истагида бўлган тадбиркорлардан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиши талаб этилади.

Мурожаат учун телефонлар: 93-610-00-72. Н.Абдуллаев.

Жарқўрғон туманида фаолият юритувчи «MAMLAKAT ABDUKARIMOVNA» хусусий корхонасининг (STIR № 305345262) айланма муҳри ва тамғаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**



«Жарқўрғон»
Газета "ДЖАРКУРГАН" газетаси таҳририяти давлат корхонаси

Бош муҳаррир: ПАЯНОВ Алишер Мамаюсупович

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Таҳрир ҳайъати: А.Раджабов, Б.Рўзиқулов, Б.Жумаев.

Сурхондарё вилояти Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида 11/041-рақам билан 2012 йил 6 январда қайта рўйхатдан ўтган. Индекс: 6512.

Таҳририят манзили: 190600, Жарқўрғон тумани, «Навбаҳор» кўчаси, 3-уй. Тел: 76-43-21-661. e-mail: jarqurgon_1983@inbox.uz
ISSN 2181-6824
RB - реклама белгиси.

Газета «Сурхон тонги» ва «Заря Сурхана» газеталари таҳририяти босмахонасида А-2 ҳажмда, 2 босма табоқда чоп этилди.
Босмахона манзили: Термиз шаҳри, «Шукрона» кўчаси, 21-А уй.
Газета сифатига босмахона масъулдир.

Газета таҳририят компютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: С.Менгатова. Ҳарф терувчи: К.Базанова.
Интернетдаги сайтимиз: www.jn-gazeta.uz
Газетанинг ўз вақтида етиб бориши учун обуна қилган ташкилот масъулдир.

Навбатчи: ПАЯНОВ Алишер Мамаюсупович
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Сотувдаги баҳоси келишилган нархда.
Босишга топширилди: 22.12.2020 йил, соат:14:30. Босилди: 15:00. Адади: 3070 нусха. Буюртма Г-